

1
2019 2020
20 (1423)-son
3-yanvar
2020

Xabar

ERURSEN SHO'H, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ СОНДА:

САРХИСОБ

АКТ вазирлиги энг яхши
ходимларни тақдирлади
3-бет

МЕДИЦИНА

Ташкентская скорая
помощь мобилизована
6-бет

ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР

Зухриддин Ширинбоев:
"Хитойда қозғозбозлик учун
илмий иш қилмайсиз" 7-бет

ИНТЕРВЮ

Асаджон Хўжаев: "Бизнинг
инспекция янги "назорат"
органи эмас 8-9-бетлар

ОРЗУЛАР, НИЯТЛАР

Ҳар кундан инсоннинг
умиди улғу 10-бет

IT-СПОРТ

Ўзбекистоннинг энг зўр
5 нафар киберспортчиси
11-бет

СМАРТФОНЛАР

2019 йилнинг энг машҳур
смартфони қайси? 12-бет

ЭНГ ЙИРИК ЭЛЕКТРОН САВДО МАЙДОНЛАРИ

1. Alibaba — \$768 млрд.
2. Amazon — \$239 млрд.
3. JD.com — \$215 млрд.
4. eBay — \$93 млрд.
5. Shopify — \$33 млрд.
6. Rakuten — \$31 млрд.
7. Walmart — \$19 млрд.



Манба: The Motley Fool

Шавкат МИРЗИЁЕВ: "АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЯХШИ БИЛГАН БОЛА КЎЧАДА БЕКОР ЮРМАЙДИ, ЎЗИНИНГ ИШИ БЎЛАДИ"



Шавкат Мирзиёев президентлик фаолиятининг илк кунларидаёқ юртимизда кадрлар муаммоси борлигини айтган эди. Кўп ўтмай, бу масалани таг заминидан ўрганиш ва ҳал этиш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида мислсиз ислоҳотлар бошланди.

2-бет ▶

ТАШАББУС

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА IT-ПАРКЛАР ҚУРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан учрашуви давомида 2020 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари — IT-Парклар қурилишини маълум қилди.

"2020 йилда республиканинг барча ҳудудларида ёшларнинг стартап лойиҳаларини ривожлантиришга қаратилган IT-Парклар қурилади. Ҳар бир вилоят ҳокими IT-Паркларни қуришга масъул бўлади", — деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида янги қуриладиган технологик парклар фаолиятига катта ишонч билдирди.

"Агар биз ёшларнинг янги стартап лойиҳаларини жамият ҳаётига татбиқ қила олсак, ривожланиш бўлади. Бу дастурларни амалга оширсак, хатоларимиз камроқ бўлади", — деди Президент.



2 | ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Jumadan
Jumagacha

Шавкат МИРЗИЁЕВ: "АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЯХШИ БИЛГАН БОЛА КЎЧАДА БЕКОР ЮРМАЙДИ, ЎЗИНИНГ ИШИ БЎЛАДИ"

► **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 декабр куни Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан учрашув ўтказди. Учрашувда ёшлар ҳаётидаги муаммолар, долзарб вазифалар муҳокама қилинди. Очiq мулоқот тарзида ўтган учрашувда навқирон авлод вакиллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Давлатимиз раҳбари уларнинг тақдирлари бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди. Йиғилишни видеоконференция орқали мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги ёшлар кузатиб борди.**



► Президент Шавкат Мирзиёев 28 декабр куни Навоий вилоятида бўлди. "Навоийазот" акциядорлик жамиятида Поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуаси ишга туширилди. Давлатимиз раҳбари "Навоий" эркин иқтисодий зонасидаги корхоналар, қурилиши давом этаётган лойиҳалар билан ҳам танишди.

► **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йилнинг охиригача иш қилиб парламент палаталари раҳбарлари, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари билан учрашиб, йил якуналарини сарҳисоб қилди ва 2020 йилдаги муҳим вазифаларни белгилаб берди. Йиғилишда 2019 йилда йўл қўйилган хатолардан тўғри хулоса чиқариб, 2020 йилга белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш, масъул ижрочилар ва муддатларни белгилаб олиш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, бевосита жойларга бориб, уларнинг ижросини ташкил қилиш ва доимий назоратни таъминлаш кераклиги айтиб ўтилди.**

► **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 декабр куни Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти - Элбоши Нурсултон Назарбоев, Қирғиз Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жомарт Тоқаев ва 31 декабр куни Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон билан телефон орқали мулоқот қилди. Давлат раҳбарлари янги - 2020 йил кириб келаётгани муносабати билан бир-бирларини самимий табриклади.**

► **2019 йилнинг 31 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқига Янги йил табригини йўлади.**

► Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган "Ўзбекистон Республикаси фармацевтика тармоғида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида"ги қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлар эълон қилинди.



Авалло, мактабгача таълим тизими ривожлантирилиб, пойдевор мустаҳкамланди. Ўқув даргоҳларига, педагогларга эътибор кучайди. Олий таълим соҳасида ҳам катта ўзгаришлар бўлди. Бу тизимларни 2030 йилгача ривожлантириш бўйича концепциялар ишлаб чиқилди.

Билимли болаларни аниқлаб, чуқурлаштирилган тарзда ўқитиш, талаб юқори бўлган соҳаларга йўналтириш мақсадида ихтисослаштирилган мак-

дай таълим масканларидан яна биридир.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили мазкур мактабни қуришга доир лойиҳалар билан танишган эди. Яқинда пойтахтимиз Тошкентда ушбу замонавий даргоҳ фойдаланишга топширилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 27 декабр куни ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мазкур билим муассасасини келиб қўрди.

Мактабда кенг шароитлар, фан кабинетларидан ташқари дарслар ҳамда факультатив машғулотларни инновацион усулларда ўтиш учун қўшимча имкониятлар яратилган. Artel, UCell, ZTE ва Huawei компанияларининг махсус синфлари очилган.

Шавкат Мирзиёев ушбу синфлар, улардаги муҳит, асбоб-ускуналар билан танишди, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашди.

– Ҳамма ишларимиз, ислохотларимиз Ўзбекистоннинг эртанги куни учун. Келажагимиз замини эса – сиз, ёшлар. Қўзларингдан кўриб турибман: сизлар билимли, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб етишмоқчисизлар. Бунинг учун ҳамма шароитларни яратиб берамиз, – деди Президент.

Мутасаддиларга шу каби илғор бинолар андозаси асосида мактабларнинг қурилиш лойиҳаларини ўзгартириш, методологияни мустаҳкамлаш орқали таълим сифатини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

– Ал-Хоразмий бобомизга дунё ҳозиргача қойил қолади. Бугунги технологиялар, дастурий маҳсулотларга у яратган алгоритм асос бўлган. Сиз бундан фахрланишингиз, буюк аجدодимиздек кўнгил билан ўқиб, доим изланишингиз керак, – деди давлатимиз раҳбари ёшларга.

Мактабда ўқувчилар замонавий мобил ва компьютер дастурларини ўрганиши, ўз устида ишлаб, тажриба ошириши учун робототехника ва саноттехника хоналари, инновацион ва виртуал лабораториялар ташкил этилган.

Президент Шавкат Мирзиёев ушбу билим даргоҳида Мирзо Улуғбек туманидаги IT-Парк бўлини масини ташкил этиш, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам шундай марказлар очиб, бу соҳага қизиққан ёшларга кенг шароитлар яратиш зарурлигини таъкидлади.

– Ахборот-коммуникация технологияларини яхши билган бола кўчада бекор юрмайди, ўзининг иши бўлади. Ёшларимизни шундай билимли мутахассислар этиб тарбияласак, оиласига, давлатга нафи тегади, – деди давлатимиз раҳбари.

таблар ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 сентябрдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактаб шун-

**МАКТАБДА КЕНГ
ШАРОИТЛАР, ФАН
КАБИНЕТЛАРИДАН
ТАШҚАРИ ДАРСЛАР
ҲАМДА ФАКУЛТАТИВ
МАШҒУЛОТЛАРНИ
ИННОВАЦИОН УСУЛ-
ЛАРДА ЎТИШ УЧУН
ҚЎШИМЧА ИМКОНИ-
ЯТЛАР ЯРАТИЛГАН.
ARTEL, UCELL, ZTE VA
HUAWEI КОМПАНИЯ-
ЛАРИНИНГ МАХСУС
СИНФЛАРИ ОЧИЛГАН.**

АКТ ВАЗИРЛИГИ ЭНГ ЯХШИ ХОДИМЛАРНИ ТАҚДИРЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида 2019 йил якунлари тахлил қилиниб, 2020 йилги устувор вазифалар муҳокама қилинди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шухрат Содиқов 2019 йилда соҳа корхона ва ташкилотлари томонидан салмоқли ишлар қилинганини таъкидлаб, тизим олдига давлат ва ҳукумат раҳбарлари томонидан қўйилган улкан вазифаларга тўхталиб ўтди.

2019 йил давомида ҳалол меҳнати ва фидойилиги билан алоҳида ўрнатилган бир гуруҳ соҳа ходимларига вазирликнинг эсдалик совғалари топширилди.



ЯНГИ ЙИЛДА ЯНГИ САВДО ВА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ОФИСЛАРИДА

“Ўзбектелеком” АК ўз абонентларига қулайлик яратиш мақсадида 2020 йил арафасида компания “ягона дарча” тамойили асосида фаолият юритадиган бир неча савдо ва хизмат кўрсатиш офисларини тўлиқ таъмирдан чиқарди ва функционал жиҳатдан янгилади.

Эндиликда ушбу офислар янги услубда ва байрамона безатилган ҳолда ишламоқда. Янгиланган офисларнинг фарқли жиҳати шундаки, бу ерда дунёнинг етакчи ишлаб чиқарувчи компаниялари смартфонларини, кўлаб аксессуарларни сотиб олиш, шунингдек, бонусли акцияларда иштирок этиш мумкин.

Тўлиқ таъмирланган савдо офисларининг манзиллари:

Юнусобод тумани, Кичик халқа йўли, 2-уй (234-АТС), Миробод тумани, Нукус кўчаси, 87-уй (255-АТС).


Бу офисларда “Ўзбектелеком” АК “ЎМобайл” филиали GSM тармоғи абонентлари учун ташкил этилган бонусли акцияларда иштирок этиш ҳам мумкин. Акцияга 16 декабр куни старт берилган ва у 2020 йил 31 мартга қадар давом этади.



Эслашиб ўтамиз, “Ўзбектелеком” АК бутун мамлакат бўйлаб катта миқдордаги ўзининг шахсий савдо ва хизмат кўрсатиш офисларига эга. Уларда доимий равишда хизматлар янгиланиб туради ва компания миқозлари учун юқори даражада қулайлик ҳамда хизматларни яратиш учун модернизациялар амалга оширилади.

ЭЪТИБОР

МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ МАКТАБИГА UCCELL КОМПАНИЯСИ ТЕХНИК ЖИҲОЗЛАР СОВҒА ҚИЛДИ



27 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишини чуқур ўрганиш бўйича ихтисослаштирилган умумтаълим мактабига ташриф буюрди.

Бу ерда илгор ўқув дастури учун хоналар ва шарт-шароитлардан ташқари, инновацион методлардан фойдаланган ҳолда факультатив дарсларни ўтказиш учун кенг имкониятлар яратилган. Ucell, Artel, ZTE ва Huawei компанияларининг махсус синфлари мавжуд.

“COSCOM” МЧЖ (Ucell савдо белгиси) мактабга бир қатор техник жиҳозлар совға қилди.

Бугун ушбу ўқув даргоҳи остонасида мамлакат келажаги бизнинг иқтидорли ёшларимиз қўлида эканлигини сезамиз. Мамлакатимиз раҳбарияти таълим соҳасига катта эътибор қаратмоқда: янги мактаблар қуриляпти, моддий-техник база модерни-

зация қилиняпти, ўқув жараёни учун замонавий шароитлар яратилляпти. Мамлакатда таълим тизими катта ўзгаришларга дуч келди: нафақат дарсликлар таркибида, балки тизим ҳам тубдан ўзгарди.

Бугунги кунга қадар президент мактаблари Нукус, Наманган, Хива ва Тошкентда очилган. Президент мактабларини ташкил этиш ташаббуси жуда муҳим ва долзарб қарор эди. Ушбу инновацион ўқув муассасалар мактаблар ислоҳотининг ўзига хос лоқомоти би бўлиб хизмат қилишига ишонамиз.

Бундай мактабларнинг ғояси ноёбдир: Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний ва қўлаб буюк олим ва мутафаккирларни дунёга танитган Маъмун академияси ва Шарқ Уйғониш давридаги бошқа таълим марказларининг улуғвор аъналарини тиклаб, ўқув жараёнига янги технологияларни жалб қилиш.

“COSCOM” МЧЖ (Ucell савдо белгиси) Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент

ихтисослаштирилган ахборот-коммуникация технологиялари мактабига 19 моноблок, интерфаол сенсорли панел, телевизор, компютер, виртуал реаллик кўзойнаклари ва бошқа жиҳозларни тақдим этди.

Владимир КРАВЧЕНКО,
“COSCOM” МЧЖ бош директори в.б. (Ucell савдо белгиси):


— Бугунги кунда ахборот технологиялари таълим тизими ривожланишининг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Ucell ёрдамида янги технологиялар билан жиҳозланган хона Тошкентдаги ИНҲА университетида ҳам мавжуд. Яна бир лойиҳамиз: яқинда очилган Амита университетида ҳам компютер хонасини жиҳозлаб бериш. Биз болалар ёшлардан технологиялар билан тиллашишларини истаймиз. Бу мамлакатимиз ёшларининг интеллектуал салоҳияти, қизиқувчанлиги ва юқори билим фаоллигини ижобий ривожланишига йўналтиришга имкон беради. Келажакда уларни қўлаб-қувватлаб, ўқишларида ҳомиёлик қилишга ва иш жойларини тақлиф этишга тайёрмиз. Мактаб ўқувчилари муваффақиятли олимлар, математиклар, астрофизиклар, IT-мутахассислар — янгиланаётган мамлакатга муносиб фуқаролар бўлишига чин дилдан ишонамиз.

Ucell компанияси ушбу жиҳозлар ўқувчиларни замонавий компютерлар ва инновацион технологиялар оламига жалб этишда, билим ва кўникмаларни баркамол шакллантиришга ёрдам беради, деб умид қиламоқда.

БИЗ – БИР ЖАМОА,



● Тошкент ахборот технологиялари университетининг ёш илмий изланувчи ходим ва талбалари WALL-E 2 роботини яратдиши.



Роботнинг асосий мақсади инсон ҳаёти учун хавфли бўлган ҳудудларда илмий тадқиқот ишларини олиб боришидир.

● 1 февралдан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ишонч телефони 1199 қисқа рақами орқали куну тун тартибда ишлашга ўтди.

● Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шухрат Содиқов 11 феврал куни Huawei компаниясининг Ўзбекистондаги янги тайинланган бош директори Лю Сзясинни қабул қилди.

Суҳбат давомида Хитой инвестицияларини жалб қилган ҳолда Ўзбекистонда АКТни ривожлантириш, жумладан, “Хавфсиз шаҳар” инвестициявий лойиҳасини амалга ошириш доирасида ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

● Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетиди Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ва Ўзбекистон ихтирочи аёллари маркази томонидан ташкил этилган “Ўзбекистон аёлларининг 100та энг яхши инновацион лойиҳаси” II республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

● АКТ ва Инновацион ривожланиш вазирликлари вакиллари билан иборат мамлакатимиз делегация-

си 2–6 март кунлари Россия Федерациясида бўлди. Ташриф доирасида Россия кластерлари ва технопарклари ассоциацияси, “Сколково” АТ-кластери, етакчи АТ-компаниялар ҳамда Россия Рақамли тараққиёт, алоқа ва оммавий коммуникациялар вазирлиги билан истиқболли ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари ўрнатилди.

● АКТ вазирлиги делегацияси 18-22 март кунлари Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида бўлиб, бир қатор ташкилотлар ва IT-компаниялар билан учрашувлар ўтказди. Музокаралар натижасига кўра, London TechWeek 2019да маҳаллий IT-компанияларнинг иштироки ҳамда унда республикамизни тақдим этиш, Британия инновациялар агентлиги очиқ фонди маблағларини жалб қилиш мақсадида Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети ва Тошкент ахборот технологиялари университети стартап-лоийҳаларини Буюк Британиянинг қўллаб-қувватлаш дастурларида иштироки, докторантура ва магистратура дастурлари бўйича маҳаллий кадрларнинг ўқишларини ташкил этиш борасида Алан Тюринг институти билан яқин муносабатлар ўрнатиш юзасидан келишувларга эришилди.

● 1-2 апрел кунлари Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Хоразм вилояти



ҳокимлиги томонидан ҳудудларда ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини ривожлантиришда маҳаллий давлат ҳокимлик органлари билан ҳамкорлик муносабатларига бағишланган республика семинари ташкил этилди. Семинарда вилоят ҳокими Фарҳод Эрманов вилоятда телекоммуни-

2019 йил – Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили ҳам якунланди. Ўтган йил Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги зиммасига ҳам тизимга инвестицияларни кенг жалб этиш ва соҳа ходимларининг ҳаётдан рози бўлиб яшашлари учун ижтимоий шароитларини янада яхшилаш вазифаларини юклаган эди. Таъкидлаш жоизки, бу борада тизимда дадил ишлар амалга оширилди. АКТ вазирининг бутун мамлакатимиз бўйлаб сафарларга чиқиб, алоқачилар билан дилдан суҳбатлашгани, уларнинг қувончу муаммоларига шерик бўлгани, турли хорижий давлатлар, компаниялар билан соҳа тараққиёти йўлида эришилган келишувлар фикримизни тасдиқлайди. Энг муҳими, йил давомида эришилган ютуқларнинг бари “Биз – бир жамоа, биз – бир оиламиз!” шиори остида соҳа ходимларининг қўлни-қўлга бериб қилган меҳнатлари самарасидир. Бугун эътиборингизга ҳавола қилинадиган қисқа маълумотлар орқали 2019 йилда АКТ соҳасида эришилган муваффақиятларга яна бир бор назар ташлашни жоиз топдик.

кация инфратузилмасини ривожлантириш учун маҳаллий бюджетдан 21 миллиард сўм ажратилишини таъкидлади.

● Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасида Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетиди бўлиб, Ўзбекистон



ва Корея ҳамкорлигида амалга оширилиши режалаштирилган телемедицина лойиҳаси тақдироти билан танишди.

● Тошкентда интернетни бошқариш бўйича 4-Марказий Осиё форуми ўтказилди. Форум Ўзбекистонда ушбу йўналишдаги биринчиси бўлиб, АКТ вазирлиги, ЕХҲТнинг мамлакатимиздаги офиси ва “Интернет сиёсатининг фуқаролик ташаббуси” жамоат фонди (Қирғизистон), ICANN, Internet Society, RIPE NCC, Facebook, Касперский лабораторияси, IGFPSA, UZTELECOM ва Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети томонидан ташкил этилди.

● АКТ вазирлигида Toyota Tsusho Corporation компанияси вице-президенти Хидеки Янасе ва NEC Corporation компанияси катта вице-президенти Шигеру Окуя билан учрашув бўлиб ўтди. Мулоқот давомида Япония халқаро ҳамкорлик банки ва ушбу мамлакат тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган “Маълумотлар узатишнинг магистрал ва мултисервис тармоғини кенгайтириш” ҳамда “IMS технологияси бўйича коммуникация марказларини модернизациялаш” инвестиция лойиҳаларининг амалий жиҳатлари муҳокама этилди.

БИЗ – БИР ОИЛАМИЗ!



залари ишланмалари билан шуғулланувчиларнинг ривожланиши учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, уларга қулай шароитлар яратиш мақсадида АҚШнинг Delta Telecom International I, LLC компанияси иштирокида INFORMATION TECHNOLOGY CENTER МЧЖ янги қўшма қорхонаси ташкил этилди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шухрат Содиқов бошчилигидаги делегация Беларус мамлакатига бўлди. Ташриф доирасида 29 июл куни Беларус алоқа ва ахборотлаштириш вазири Константин Шулган ҳамда Шухрат Содиқов ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат АКТ соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан фикрлар алмашилди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шухрат Содиқов ҳудудларда телекоммуникация инфратузилмаларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини ўрганиш мақсадида Қорақалпоғистонда бўлди.



Ташриф доирасида жами тўртта Рақамли технологиялар ўқув маркази очилди. Дастлабкиси Беруний туманида ташкил этилган бўлса, кейингилари Нукус, Мўйноқ ва Қанликўлда очилди.

25 август куни Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабнинг 2019-2020 ўқув йили учун 5-синфга кириш имтиҳонлари бўлиб ўтди.

Кириш имтиҳонлари натижасида 589 нафар талабгордан 60 нафари ихтисослаштирилган мактабнинг 5-синфига қабул қилинди.

Беларус Юқори технологиялар парки директори Всеволод Янчевский бошчилигидаги делегация 10 сентябр куни мамлакатимизга келди.

АКТ вазирилигида бўлиб ўтган учрашувда IT-Park ва ЮТП ўртасидаги ҳамкорликнинг потенциал имкониятлари, ушбу соҳани янада ривожлантириш учун IT-секторига венчур молиялаштириш масалаларини давлат даражасига кўтариш аҳамияти, шунингдек, мамлакатларнинг IT-салоҳиятини оширишда таълимнинг роли муҳокама қилинди.

Ўзбекистон делегацияси 16-17 сентябр кунлари Қозғистон пойтахти Нур-Султон шаҳрида бўлиб ўтган нуфузли анжуман – Алоқа соҳасида ҳудудий ҳамкорлик Алоқа маъмуриятлари раҳбарлари кенгаши ҳамда АСХХ Ахборотлаштириш бўйича мувофиқлаштириш кенгашининг навбатдаги қўшма мажлисида қатнашди.

Тошкентдаги Амита университети 24 сентябр куни талабаларга ўз эшиklarини очди. Тантанали



маросимда таълим муассасаси президенти Атул Чаухан ҳамда АКТ вазири Шухрат Содиқов иштирок этди. Олий таълим муассасаси ахборот-коммуникация технологиялари, жумладан, компютер ва дастурий инжиниринг, сунъий интеллект ва менежмент соҳаларида мутахассислар тайёрлайди.

2 октябр куни АКТ вазири Шухрат Содиқов Японияда ушбу мамлакат Ички ишлар ва коммуникациялар вазири Минору Терада билан учрашди. Учрашувда Япониянинг йирик компаниялари билан янги инвестиция лойиҳалари муҳокама қилиниб, ҳамкорлик ишларини янада кенгайтириш ҳақида мунозара олиб борилди.

Мисрнинг Шарм аш-Шайх шаҳрида Халқаро электралоқа иттифоқининг 2019 йилдаги Бутунжаҳон радиоалоқа конференцияси бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда Ўзбекистон Республикаси аборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шухрат Содиқов раҳбарлигидаги делегация иштирок этди.

21 ноябр куни Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетида One million Uzbek Coders лойиҳасига старт берилди.

UMS мобил оператори ребрендинг ўтказиб, ўз номини Mobiuз деб ўзгартирди. 2 декабр куни ўтказилган тақдирот маросимида нафақат ном ўзгараётгани, балки компания ривожланишининг янги босқичини бошлагани айтиб ўтилди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирилиги тизимидаги қорхона ва ташкилотлар томонидан Фарғона вилоятининг Данғара тумани марказида янги кутубхона фойдаланишига топширилди.

Президент томонидан илгари сурилган бешта ташаббуснинг учинчиси – аҳоли ва ёшлар ўртасида компютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш доирасида Жиззах вилоятининг Зарбдор туманида Рақамли технологиялар ўқув маркази очилди. Шундай қилиб, республикада бўйича Рақамли технологиялар ўқув марказлари сони 20тага етказилди.

Тошкентда Радиочастота спектри ва йўлдош орбиталаридан фойдаланишни тартибга солиш бўйича Алоқа соҳасидаги ҳудудий ҳамдўстлик комиссиясининг 15-мажлиси бўлиб ўтди. Унда рақамли телеузатишларни татбиқ этишда радиочастоталар бўйича муайян жиҳатлар (аспектлар), йўлдошли навигация тизимларининг тўсиқларсиз ишлаши, нарсалар интернет тизимига машиналарнинг ўзаро таъсири учун симсиз алоқа технологияларидан фойдаланиш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Пойтахтимизнинг Учтепа туманида ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишни ошириш бўйича Президент илгари сурган бешта муҳим ташаббус ижроси юзасидан қатор лойиҳа ва тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда АКТ вазирилигининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси иштирокида тумандаги MIRACLE ACADEMY нодавлат таълим муассасасида “РОБОТОТЕХНИКА” тўғараги очилди.

Ирландиянинг Speedtest.net севиси Speedtest Global Index ҳар ойлик рейтинг бўйича 2019 йил июн ойи натижаларини эълон қилди. Унда дунёдаги мобил ва симли интернет тезлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Ўзбекистон симли (қайд этилган) интернет тезлиги бўйича барқарор ўсишни кўрсатди ва 8 поғона юқорига кўтарилди.

Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 5-сонли қиз болалар мактаб-интернати ҳамда Бахт шаҳридаги ўғил болалар махсус мактабида компютер синфлари очилди.

24 июл куни Ўзбекистондаги биринчи дастурий махсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки – IT-Parkнинг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.




Мамлакатимизда ахборот технологиялари соҳасида дастурий махсулотлар ва маълумотлар ба-

ПРЕЗИДЕНТ ПОСЕТИЛ «УМНЫЙ» УЧЕБНЫЙ КАБИНЕТ, ПРЕДСТАВЛЕННЫЙ КОМПАНИЕЙ HUAWEI В СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЙ ШКОЛЕ ИМЕНИ МУХАММАДА АЛЬ-ХОРЕЗМИ

27 декабря в ходе открытия нового здания специализированной школы по углубленному изучению предметов ИКТ направленной имени Мухаммада аль-Хорезми компания Huawei презентовала Президенту Республики Узбекистан систему «умного» образования на базе инновационного учебного кабинета открытого при содействии АК «Узбектелеком».

Во время визита руководства страны, представители компании Huawei провели наглядную демонстрацию организации процесса образования посредством использования инновационных технологий. На базе интеллектуальной системы видеоконференции связи CloudLink было осуществлено подключение к тренинг-центру штаб-квартиры компании в Китае. Данное решение позволяет преподавателю в режиме реального времени, находясь в любой точке мира, провести лекцию-урок для нескольких учебных заведений. Благодаря дружескому интерфейсу управления, данной системой может с легкостью воспользоваться как преподаватель, так и обучаемый.

«Умный» учебный кабинет оснащен также терминальными устройства-



ми (медиа планшетами), что отменяет необходимость использования учебников и письменных принадлежностей.

Благодаря ПО Huawei, которое было разработано специально для проектов «SmartEducation» и интегрировано с медиа планшетами, преподаватель в режиме реального времени:

- может отслеживать деятельность учеников;
- транслировать медиа ресурсы (презентации, обучающие фильмы и тд) как на медиа планшеты учеников, так и на интеллектуальную доску;
- проводить экзаменационные тесты (с возможностью оповещения результата сразу после истечения времени экзамена).

«CloudLink Board – это

интеллектуальная рабочая станция для видеоконференций, которая обладает возможностью интерактивного взаимодействия, беспроводной передачей контента и др. Благодаря голосовому управлению, интеллектуальной трансляции, технологии распознавания лиц и другим функциям на основе искусственного интеллекта система CloudLink Board открывает доступ к совершенно новой интеллектуальной видеоконференцсвязи, ориентированной на совместную работу участников в режиме реального времени», — отметил Даврон Азизов, директор по связям с общественностью и государственными органами Huawei Uzbekistan.

МЕДИЦИНА

ТАШКЕНТСКАЯ СКОРАЯ ПОМОЩЬ МОБИЛИЗОВАНА

Министерство по развитию информационных технологий и коммуникации Республики Узбекистан совместно с Министерством здравоохранения запустили первый этап проекта «Внедрение современных информационных и коммуникационных технологий в деятельность службы скорой помощи в Ташкенте».

Стоимость работ в настоящее время составляет около 12 миллионов долларов. На данный момент китайская компания поставила 81 машину скорой помощи, оснащенную современными средствами ИКТ и медицинским оборудованием.

К концу этого года планируется поставить в Узбекистан оставшиеся 69 машин скорой помощи.

Преимущество этих приобретенных машин скорой помощи состоит в том, что они оснащены современными камерами видеонаблюдения и необходимой медицинской информацией, а также коммуникационны-

ми и мультимедийными технологиями, что обеспечивает постоянную связь с Call-центром, дистанционные консультации и консультации для пациентов с серьезными заболеваниями, и самое главное, обеспечение того, чтобы пациента полностью контролировали каждую минуту.



На сегодняшний день завершено создание Call-центра Ташкентской станции скорой помощи и установлено современное оборудование ИКТ. Кроме того, в качестве пилота была внедрена автоматизированная система управления машиной скорой помощи, и сегодня ведется подготовка к ее использованию. Также в рамках этого проекта системный интегратор — ООО «Центр программистов BePro» внедрил автоматизированную систему управления службами скорой помощи и в данный момент проводит обучение персонала, использующего эту систему.

КОРОТКО...

Новая платформа для обмена сообщениями, ToTok, недолго оставалась одним из самых загружаемых мобильных приложений. В прошлую пятницу приложение было быстро удалено из магазинов Google Play Store и Apple App Store, после того как официальные представители правительства США обвинили этот сервис в шпионаже в пользу ОАЭ.

Утверждается, что коммуникационная бизнес-модель ToTok является лишь фасадом, за которым осуществляется сбор информации от пользователей, включающей беседы, перемещения, связи, встречи, звук и фотоснимки.

Компания Western Digital официально объявила о начале поставок жестких дисков емкостью 20 ТБ и 18 ТБ.

Пока эти диски поставляются ограниченному числу партнеров и клиентов. Однако по заверению компании в первой половине 2020 г. начнутся массовые поставки этих продуктов.

В 2020 г. будет поставлено свыше 600 млн. AMOLED-смартфонов, сообщает Counterpoint Research. Столь высокая цифра окажется достижимой с учетом постепенного проникновения рассматриваемых экранов в продукты среднего (300–500 долл.) ценового диапазона. Особые усилия в этом направлении прилагают китайские бренды Huawei, Vivo, OPPO, Realme и Xiaomi. В 2020 г. AMOLED-смартфоны также будут встречаться в ряду моделей стоимостью 200 долл. и ниже.

Лидером рынка в настоящее время остается Samsung, контролирующая не менее 45% общих поставок. В 2019 г. компании ей составят Apple и OPPO, способные оставить за собой 16% и 11% рынка соответственно.

Microsoft в Windows 10 упростит установку драйверов и обновлений. В компании стараются ее сделать максимально простой и понятной.

Известно, что в компании сейчас работают над системой, которая максимально упростит установку драйверов и обновлений. Система обновления драйверов и самой ОС должна быть вынесена в отдельный пункт, с которого пользователь сможет все обновлять самостоятельно, не прибегая к сторонним программам.

Ожидается, что упрощенный метод работы появится в очередном крупном обновлении Windows 10, которое, как правило, выходит каждые полгода.

Специалисты компании DRAMeXchange считают, что в первом квартале следующего года вырастет цена на графическую память DRAM.

По мнению специалистов, ее стоимость очень сильно меняется от внешних факторов, и в ближайшие три месяца DRAM подорожает на 5%.

В DRAMeXchange еще отметили, что Nvidia и AMD уже сокращают выпуск видеокарт с GDDR5.

Компании постепенно переходят к GDDR6, к тому же скоро начнется производство нового поколения консолей Xbox и PS, а в них уже будет использоваться видеоадаптеры с GDDR6, в которых памяти будет до 16 ТБ.

Аналитики уверены, что в 2020 году спрос на DRAM память будет значительно выше, чем предложения и это в итоге приведет к подорожанию.

Зухриддин ШИРИНБОЕВ:

ХИТОЙДА ҚОҒОЗБОЗЛИК УЧУН ИЛМИЙ ИШ ҚИЛМАЙСИЗ

Хитой Халқ Республикаси жаҳон иқтисодийотида етакчи мамлакатлардан бирига айланган. Аини шу сабабли ҳам юртимизда мазкур давлат тили ва маданиятига қизиқувчилар сони ортиб бормоқда.

Ана шундай кўп сонли муштарийларимиз истакларига биноан "Хориждаги ватандошлар" лойиҳамиз доирасида бир неча йиллардан буён Чин юртида илмий изланишлар қилаётган шарқшунос ва таржимон ҳамюртимиз Зухриддин ШИРИНБОЕВ билан интервью уюштирдик. Суҳбатдошимиз Хитойнинг Чунцин шаҳридаги Жануби-ғарбий университетидан PhD босқичида таҳсил олади.

— Зухриддин, аввало, ўқувчиларимизга ўзингиз ҳақингизда маълумот берсангиз?

— 1992 йили Навоий вилояти Хатирчи туманида туғилганман. 1999-2010 йилларда туманимиздаги 4-сонли ўрта мактабда ўқидим. Бир муддат, яъни, 2009-2010 йиллар ёзги таътил даври Навоий эркин иқтисодий зонаси қурилишида пайвандчи ёрдамчиси сифатида ишлаганман. Ўша пайтда корейлик муҳандисларга таржимонлик қилиб юрган қиз билан танишиб, қисқа суҳбат қилганмиз. Суҳбатимиз чет тилини ўрганишнинг аҳамияти ва у орқали келгусида яхши мутахассис бўлиш мавзусида кечган эди.

Аввало, ота-онамининг тўғри йўналиши беришгани ва ана шу суҳбат ҳулосаси натижасида 2010 йили Тошкент давлат шарқшунослик институти "Марказий Осиё халқлари тарихи (хитой-инглиз гуруҳи)" йўналишига ўқишга кирдим. Институтда мутахассислигим қатори хитой, инглиз тилларини пухта ўзлаштиришга ҳаракат қилдим. Шу



боис, 2013-2014 йиллар Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги талабалар алмашинуви бўйича ҳозир докторантурада ўқиётган Жануби-ғарбий университетидан бир йиллик хитой тили малака ошириш курсида ўқидим. Ушбу олийгоҳдаги ўқиш даври дунёқарашим бойишида муҳим бўлди, десам муболага бўлмайди.

Айни шу вақтда энг юқори HSK-6 – хитой тилини билиш даражасини белгиловчи имтиҳонни муваффақиятли топширдим. Шу билан бирга, "Хитой тили юлдузи" нотикик санъати мусобақасида ҳам голибликни қўлга киритдим. Бир йиллик таҳсилдан кейин Ўзбекистонга қайтиб бакалавр босқичини тамомлагач, 2015 йил "Жаҳон сиёсати" йўналиши бўйича магистратура босқичида ўқиш учун яна Хитойга қайтдим.

2018 йилдан буён PhD босқичи талабасиман. Ҳозирда "Хитой-Ўзбекистон муносабатларининг янги тарихи унда "Бир макон – бир йўл дастурининг ўрни" мавзусида илмий изланиш қиляпман.

— Хитойшунос мутахассис сифатида Хитой тараққиёти омилларини нималарда кўрасиз?

— Тарихдан маълумки, илк уйғониш даврини Шарқ давлатлари бошлаб берган. Кейинчалик Европада бу жарён бошлаб, ривожланишда пешқадамлик улар томонига ўтиб кетди. Уйлашимча, яқин йилларда Осиё ривожланишида Европани ортада қолдира олади. Хусусан, Хитой ҳам мазкур ривожланишда алоҳида ўринга эга.

Саволингизга тўхталадиган бўлсам, Хитойнинг ривожланишдаги асосий омилларидан бири ўз вақтида, Дэн Сяопин томонидан Хитойнинг иқтисодий янгилиниши, яъни дунё ҳамжамиятига кенг очилиши бўлган.

Шунингдек, мамлакат ташкил этилганидан бошлаб таълим самарадорлигини босқичма-босқич яхшилаш йўлидан борди. Бу ўтган аср охирида ўз самарасини кўрсатиб, Хитой тараққиётини таъминлади.

Қолаверса, Хитойнинг энг улкан бойлиги ҳисобланган бир ярим миллиард аҳолиси ва уларнинг меҳнатсеварлиги, шу билан бирга давлатнинг ҳам қуруқлик, ҳам денгиздан бирдек фойдалана олиши ҳам тараққиёт омиллардан дейиш мумкин.

— Хитой таълим тизимидаги ўзига хосликлар ҳақидаги кузатишларингиз?

— Билишимча, Хитойда таълим кичик синфлардан бошлаб соҳаларга ажратилади. Яъни, гуманитар, аниқ ёки табиий фанларга. Ёшлар кичиклигидан ўзи

танлаган соҳани чуқурлаштирилган тарзда ўрганади. Бу учун давлат барча шароитлар яратиб бермоқда. Қолаверса, бу ерда ҳар бир иш ўрни учун кучли рақобат мавжуд. Аини шу нарса ҳам хитойликларнинг етук мутахассис бўлишига хизмат қилмоқда, деб ўйлайман.

Этиборлиси, мамлакатдаги таълим муассасаларида 24 соат хизмат кўрсатувчи кутубхоналар бўлиб, эрталаб 8:00дан кеч 22:00га қадар бўш ўрин топиш жуда қийин.

Очиги, яна бир муҳим жиҳатлардан бу – Ўзбекистондан фарқи равишда Хитойдаги ҳар қандай илмий ишларингиз, ҳатто бакалавр, магистр ишларингиз, албатта, ишлаб чиқаришга йўналтирилади. Содда қилиб айтганда, шунчаки қоғозбозлик учун илмий иш қилмайсиз. Тайёрлаган ишингизда янгилик бўлиши ва ҳаётга татбиқ этилиши лозим.

— Биламизки, хитойликларнинг иероглифлари катта миқдорни ташкил этади. Ва буларни ўзлаштириш статистик жиҳатдан энг мураккаб ёзув ва тил деб топилаган. Бу хитойликларнинг ўзларига ҳам қийинчилик туғдиради, менимча.

— Ҳақиқатда, иероглифлар сони турли манбаларга кўра 60 мингга яқин. Тан олиб айтиш керакки, мамлакатдаги энг кучли профессорлар ҳам бунча кўп ёзувларни ёддан билишмайди. Аммо, шундай бўлса-да, Хитойда иероглифларни билиш талаби қатъий қўйилган.

Мутахассис сифатида айта оламани, хитой тили мураккаб бўлишига қарамай, ушбу тилни билиш ҳар томонлама фойдали. Маълумки, БМТнинг 6 та иш тили мавжуд. Хитой тили ҳам мазкур билининг бири. Қолаверса, Ўзбекистон-Хитой муносабатлари йилдан-йилга ривожланиб борапти. Демократиклиги, ушбу тилни ўрганиб, келажакда даромадли соҳаларда ишлаш мумкин.

Соҳа қизиқувчиларига маълумот сифатида айта оламани, илмий йўналишдан бошқа вакиллар 2 мингдан зиёд хитой иероглифларини билиши керак ва хитой тилида сўзлашиш учун етарли бўла олади.

— Хитойликлар Ўзбекистон ҳақида қандай тасаввурга эга?

— Қарийб олти йилдан буён яшаб гувоҳ бўлганим, хитойликлар ҳанузгача Ўзбекистон ҳақида кўп ҳам билишавермайди. Аммо, илк 2013 йилда келган пайтларимдан кўра, Ўзбекистонни таниб бораётганлар кўпайган. Бунга сўнги йилларда давлатимизнинг жаҳон ҳамжамияти учун тобора кенг очилиб бораётгани ва Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги фаоллиги сабаб бўлди, деб ҳисоблайман.

— Суҳбатимиз сўнггида келажакдаги мақсадларингиз ҳақида тўхталсангиз.

— Бугунги кунда хитой, инглиз, рус ва туркман тилларида эркин сўзлаша оламан. Хорижий тилларни билишим бу ерга мослашим ва ўқишим ташқари пул ишлашимга ёрдам берган. Мисол учун, 2015 йилдан буён хитойлик ўқувчиларга инглиз тилини ўргатиб келаман. Шу билан бирга, 2016 йилдан бери Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги турли йирик тадбирларда таржимонлик вазифасини бажаришга муваффақ бўлдим. Шунингдек, ШХТнинг Ёшлар лигаси аъзоси сифатида Хитойда мамлакатимиз салоҳиятини фаол тарғиб қилишга ҳаракат қиляпман.

Келгусида эса иккала давлат ҳамкорлигини янада ривожлантирадиган дипломат бўлиш ниятидаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистондаги барча юрtdошларимизни ва "Xabar" газетаси ўқувчиларини Янги йил билан табриклайман!

Нурилло ТҲУХАСИНОВ
суҳбатлашди



Асаджон Хўжаев: БИЗНИНГ ИНСПЕКЦИЯ ЯНГИ

Бугунги кунда мамлакатимизда мобил алоқа хизматларидан фойдаланаётган абонентлар сони 23 миллиондан, интернет хизматлари фойдаланувчилари сони эса 20 миллиондан ошади. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг қонунчилик ва лицензия келишувлари талабларига риоя этиши устидан назоратни амалга оширувчи органнинг бу борадаги роли ҳам муҳим аҳамиятга эга. Яқинда “Ўзкомназорат” бошлиғи этиб тайинланган Асаджон Азатбекович Хўжаев билан шу ҳақида суҳбат қурдик.



— Асаджон Азатбекович, “Ўзкомназорат”нинг асосий вазифалари нималардан иборат? Давлат томонидан яна бир назорат органи ташкил қилинишининг сабаби нимада?

— Аслини олганда бизнинг инспекция янги “назорат” органи эмас. “Ўзкомназорат” давлат инспекцияси 1991 йилда Алоқа вазирлиги томонидан ташкил қилиниб, телефония, почта, телерадиоэшиттириш ва матбуот нашрларини тарқатиш соҳасида қонунчилик ва норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширарди. Ахборот технологияларининг ривожланиши ва алоқа соҳасига лицензиялаш механизмнинг жорий этилиши натижасида, инспекция назорат қиладиган йўналишларга алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида тадбиркорлик субъектларининг қонунчилик ва лицензия талабларига риоя қилинишини назорат қилиш вазифалари ҳам юклатилди.

Ахборот коммуникацияларининг тараққиёти ва “Электрон

хукумат” тизими лойиҳаларининг амалга оширилиши инспекцияга давлат органларида АКТ-лоиҳаларининг жорий этилиши, шунингдек, давлат идораларида идоралараро қўшма ҳамкорликда ахборотлар билан ишлашда хавфсизлик талабларига риоя қилиниши бўйича назоратни амалга ошириш ишониб топширилди.

Бугун “Ўзкомназорат” фаолияти янги босқичга кўтарилмоқда! Давлат бошқарувида АКТни жорий этиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда назоратни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил ноябр ойидаги қарори билан давлат инспекцияси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги таркибидан мустақил давлат органи сифатида ажратиб олинди.

Қарорнинг қабул қилиниши, давлат органларида АКТнинг жорий этилганлик ҳолати ҳақида ҳолис таҳлилий маълумотлар тайёрлаш, ушбу жараёнга юқори турувчи идораларнинг ҳар қандай аралашуви ва таъсирини йўқ қилди.

— “Ўзкомназорат”нинг асосий фаолият йўналишлари ҳақида батафсилроқ маълумот берсангиз? Инспекцияга юклатилган вазифалар, жумладан, фаолиятдаги янги йўналишлар бўйича нималар қилинмоқда?

— Инспекция фаолияти кенг қўламли. Айни вақтда “Ўзкомназорат” давлат инспекцияси аҳоли ва юридик шахсларнинг алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари ҳамда матбуот нашрларини тарқатиш соҳаларида кўрсатилаётган хизматлар бўйича мурожаатлари, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг лицензия келишуви талабларига риоя этиши юзасидан фаол иш олиб бормоқда.

Давлат инспекцияси ўз ваколати доирасида давлат стандартлари қоидаларининг бузилиши, кўрсатилаётган хизматларда кузатишган тўхталлишлар сабабини ўрганиб, зарурат бўлганда айбдорларга нисбатан маъмурий жазо чораларини кўриши ёки тегишли чора кўриш учун расмийлаштирилган далилларни судга

тақдим қилиши мумкин.

Масалан, 2018 йил давомида “Ўзкомназорат” томонидан 55та маъмурий қоидабузарлик, 2019 йилда эса 107та ҳолат бўйича қоидабузарлик содир этилгани аниқланган. Бу қоидабузишлар кўпайди ёки инспекция чуқурроқ текширишни бошлади, дегани эмас. Соҳадаги хизматлар турлари ва истеъмолчилар сони кўндалкунга кўпайиб бораётгани инспекция иш ҳажмининг ҳам ортисиغا туртки бермоқда.

Иш фаолиятимизнинг муҳим томонини, аниқроғи назоратда асосий урғу бериладиган жиҳатни алоҳида қайд этмоқчиман. Инспекция ходимлари бугун “текшириш”лар эмас, балки “ўрганиш”лар ўтказмоқда. Бугун “жаримага” тортамыз ёки кўрсатма берамиз” демаймиз, балки камчиликларни бартараф қилиш юзасидан тавсиялар бериб, техник ечимлардаги мавжуд заифликларни кўрсатамиз. Назорат ҳам “ақли” технологиялар каби, асосланган ва интерактив бўлиши лозим. Энг муҳими — кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш!

— Инспекцияга Давлат органларида “Электрон хукумат” тизимини барпо этишининг самарадорлигини ўрганиш вазифаси ҳам юклатилган. Бу ҳақда батафсилроқ маълумот берсангиз.

— Ҳақиқатан ҳам, “Ўзкомназорат” давлат органларида АКТдан самарали фойдаланиш ҳамда “Электрон хукумат” тизимини ривожлантиришни назорат қилади. Давлат органларида ўтказилган ўрганишларда бошқарув жараёнларини автоматлаштириш, идоралараро маълумотлар узатиш тармоқлари ва интеграциялашган ахборот тизимларини жорий этиш масалалари кўриб чиқилмоқда. Бундан ташқари, мавжуд давлат ахборот ресурсларини интеграциялаш ва электрон давлат хизматларини кўрсатишда умумий фойдаланиш имкониятини яратиш ҳам кўзда тутилган.

Ўрганишлар давомида идоралар томонидан интерактив давлат хизматларини ташкил қилиш ва кўрсатишда жараённинг барча ташкилий ҳамда техник жиҳатлари эътиборга олинмагани: серверларнинг ортиқчалиги ёки етарли

қувватга эга эмаслиги, дастурий таъминотнинг нотўғри ишлаши, ахборотнинг ишончли ҳимояланмаслиги, интернет тармоғи орқали кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланишда узилишлар кузатилаётгани шулар жумласидан.

Шу сабабли давлат органларида ўтказиладиган ўрганишлардан кейин бериладиган тавсияларда интерактив хизматлар кўрсатишни ташкил қилиш техник масалаларда камчиликларни бартараф қилиш бўйича ва бу борада кузатиладиган заиф нуқталар ҳақида маълумотлар берилди.

Тавсиялар “Электрон хукумат” тизимини барпо қилишда барча давлат интерактив хизматларини интеграция қиладиган ягона технологик платформа яратилишида ва давлат органларидаги ахборот тизимларининг ўзаро бирлашувида муҳим аҳамият касб этади.

— “Электрон хукумат” тизимининг сифатли жорий этилиши ва тезкор ишлашида энг асосий глобал муаммо нимада?

— Вазирлик ва идораларда барча бошқарув ва ишлаб чиқариш йўналишларида автоматлаштириш, инфратузилма ва маълумотлар алмашуви учун давлат ахборот ресурсларига ягона технологик макон яратиш кўзда тутилган “Электрон хукумат” тизимини барпо этиш мураккаб вазифа ҳисобланади. Бунда барча вазирлик ва идоралар қоғоз ҳужжатларсиз технологиялар, ягона ҳужжатлар алмашуви тизими, маълумотларни қайта ишлаш маркази билан ишлашни тақозо этади. Ушбу жараённи бир неча йил ичида амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Афсуски, бугун деярли барча давлат органларида локал ахборот тизимларидан фойдаланилади, улар фаолиятида ўзаро боғлиқлик йўқ. Идоралар интеграциялашган, икки тизимни ўзаро боғлаш асосида хизмат кўрсатиши керак, бироқ жараён давлат органларининг ички ресурсларини бир-бирига очмаётгани туфайли тўхтаб қолаётди.

Оқибатда, сунъий ва мураккаб қарорлар қабул қилиниб, интерактив хизмат жисмоний жиҳатдан вазирликлардаги бир-биридан анча узоқда жойлашган базалардан олиб кўрсатиляпти. Шунинг учун интернет орқали интерактив хизматни жорий этиш жараёни кечикмоқда ёки умуман амалга оширилмапти, шунинг билан хизмат кўрсатишнинг тезкорлиги кескин тушиб, давлат бюджетидан сарфланаётган маблағлар, бир-бирини тақдорлайдиган ахборот тизимларига сарфланмоқда.

Фикримча, “идоравий худбин

“НАЗОРАТ” ОРГАНИ ЭМАС

лик” деган ушбу муаммони ҳал этиш лозим, у ёки бу давлат органлари интерактив тарзда хизматларини кўрсатишни истамаяпти ва ўз ахборот ресурсларининг ёпиқ туришини афзал билмоқда.

Бугунги кунда ташкилотлар учун ҳимояланган, жумладан, шахсга доир ҳамда бошқа конфиденциал ахборотлар хавфсизлиги таъминланган умумий Давлат органлари учун идораларо маълумотлар узатиш тармоғи яратилди. Давлат органлари ўз ички серверларини, маълумотлар сақланган локал марказларини яратиш лозим деган амалиётдан, турли баҳоналар билан ахборотларни яширишдан воз кечиш керак.

Маълумотларни қайта ишлайдиган, зарурий қувватга эга марказлар ҳозирда республикада мавжуд. Шу сабабли идоравий ахборот ресурсларини бундай майдонларга ўтказиш, уларда давлат интерактив хизматларини кўрсатишни янада ривожлантириш зарур.

— Вазирлик ва идоралар фаолиятида яна қандай хатолар учрайди?

— Яна бир муҳим йўналиш бу — давлат тизимларини лойиҳалаштириш, тузиш ва қабул қилиш масаласидир. Идоралар ўз ахборот тизимини жорий этишда белгиланган экспертиза талабларини бажармайди, тизимни ишлашга қабул қилишни тегишли ташкилотлар билан келишмайди. Оқибатда техник ҳужжатлар умуман мавжуд эмас ёки амалга оширилган ва ишлайётган тизимга тўғри келмайди, интерактив хизмат унга тушадиган юкларини ҳисобга олинмасдан барпо этилган. Ушбу омиллар интерактив хизматнинг барча учун очиқ бўлиши, сифатли ишлашига салбий таъсир кўрсатади.

Турли идораларда кузатиладиган яна бир камчилик техник персоналнинг етарли даражада малакага эга эмаслиги, ташкилотда ахборот хавфсизлиги сиёсати, техник ривожланиш режаси, техника мутахассисларининг бу борадаги кўникмаларини ошириш йўлга қўйилмагани ва техника мутахассисларида, тармоқ администраторларида профессионал сифатларни шакллантириш, конфиденциал ахборот ёки тизимни ишлатишда ходимлар масъулиятини табақалаш йўқлиги. Лойиҳалар техник ҳужжатларсиз қабул қилинади ёки техник ҳужжатлар нарҳни арзонлаштириш, қарор қабул қилиш жараёнини тезлатиш мақсадида ишлаб чиқилиб, техник топшириққа умуман мос келмайди.

Оқибатда ахборот тизимида-

ги маълумотлар ўз-ўзидан йўқолиши ҳолатлари кузатилади, шу сабабли “Ўзкомназорат” инспекцияси томонидан тармоқ яратиш схемаси, ахборот алмашинуви регламенти, маълумотларни мунтазам захиралашни тартибга солиш, дастурий таъминотни сертифицициялаш, ахборотнинг криптографик ҳимоясини таъминлаш бўйича таҳлил асосида тавсиялар бериб борилади.

Хизматлар онлайн тартибда, кунига 24 соат тақдим этилишини тушуниш лозим. Бироқ, техник ва ташкилий масалалар (ходимларнинг етарлича малакаси, кўрсатилаётган хизматлар маъмурий регламентлари мавжудлиги, қўйилмаган вазият юзга келганда ҳаракатлар йўриқномаси, давлат органлари веб-сайтига интернет-ҳужумлар бўлганда ҳаракатлар режаси, рухсат берилмаган ташқи таъсирлар, жумладан, интернет орқали тизимга ҳужумдан ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини ҳимоялаш чоралари) ҳал этилмагани сабабли, буни таъминлаш имконсиз бўлади.

Техник ходимларнинг малакаси юқори бўлиши лозимлиги, техник ҳужжатлар аниқ бўлиши, ҳаракатлар регламенти, қўйилмаган вазиятларда ҳаракатлар режаси, ахборот ресурсларини ҳимоя қилиш масаласи, киберхавфсизлик муаммолари баъзида идоралар раҳбарлари томонидан керакли эътибор билан қабул қилинмайди.

Шу муносабат билан, “Ўзкомназорат” давлат инспекциясининг йўналишларидан бири айнан мана шундай муаммолар масалаларини аниқлаш ва янги идораларо унификацияланган ахборот тизимларини қуриш учун давлат органларининг интеграцияланган техник маконини қуриш, идоравий маълумотлардан фойдаланишни таъминлаш бўйича йўналишлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш, “Электрон ҳукумат” тизимида янги интерактив хизматларни ривожлантиришнинг техник имкониятларини яратиш саналади.

— 2019 йил 1 октябрда “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Рақамлаштириш асрининг барча жараёнларида унинг муҳимлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу масаланинг ечим бўйича ишлар қандай бормоқда?

— Бугунги кунда шахсга доир маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳам жуда муҳим. Жорий йилнинг октябрдан мамлакатимизда “Шахсга доир

маълумотлар тўғрисида”ги қонун кучга кирди. Шахсга алоқадор маълумотларни ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг муҳим аҳамиятга эга йўналишларидан бири. Аммо кўплаб давлат органлари, жумладан, фуқароларимиз ҳам интернет орқали давлат хизматларидан фойдаланаётган вақтда шахсга доир маълумотлар тармоққа тушса, қандай хавф юзга келиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрмайди.

Хориж нашрларида чоп этилаётган, ОАВда эълон қилинаётган хабарларда банк соҳасида катта маълумотлар базасидаги ахборотнинг ошкор бўлгани, электрон почта пароллари ва банк ҳисоб рақамлари ҳақидаги ахборот очиқ қолгани ҳақида ўқиймиз, эшитамиз, кўрамыз ва кўпинча бу бошқа давлат ҳудудидида рўй берди деб, парво қилмаймиз.

Ахборот технологияларининг ривожланиши бундай таҳдидларни Ўзбекистон ҳудудига ҳам кириб келишига туртки бўлди ва энди шахсга алоқадор ахборотлар билан ишлашда эҳтиёткор бўлишимиз талаб этилади. Битта муҳим ахборотнинг ошкор қилиниши ҳам нопок ниятли кимсаларнинг текширув тизимларини алдаб, молиявий ҳисоб рақамларга йўл очилишига олиб келиши мумкин.

Ижтимоий тармоқларда ишлашда, турли булутли технологиялардан фойдаланганда шахсий маълумотлар бутлиги масаласи алоҳида туради. Бир қанча хорижий сервислар борки, фойдаланувчининг ўзи ўз ихтиёри билан ижтимоий тармоқларга улангани тақдим этадиган компанияларга ўзи ҳақидаги контакт маълумотлар — телефони, фамилияси, исми-шарифи, яшаш жойи, банк режиситларини беради. Шунингдек, фойдаланувчилар бундай сервисларда ўз шахсий ахборотлари — турли фотосуратлар, видео, турли ҳужжатлар сканларини жойлашлари ҳам кўп кузатилади, баъзида улар махфий характерга ҳам эга бўлади. Шу тариқа, бу ахборот “сизиб чиқади”, у турли хорижий серверларда сақланади ва бундай маълумотларнинг муайян минтақа учун ҳимояланганлиги ўша компанияларнинг виждони ҳавола бўлади. Булутли сервислар, машхур ижтимоий тармоқлардаги аккаунтларни бузиш ҳолатлари кўп учрайди, унда яширин ахборот жамоатчиликка ошкор бўлади ва шахсий ҳаётга таъсир қўяди.

Шуни аниқ тушуниш лозим: у ёки бу технология ёхуд хизматнинг рухсат берилмаган аралашуви ахборотни илиб олиш борасидаги ҳимояланганлигининг техник жиҳатлари билан бир-қаторда, эҳтимолий хатарлар тўғрисида

хабардор қилиш сиёсатини юритиш ва аҳоли саводхонлигини ошириш зарур.

— Ҳамма ахборот хавфсизлиги ҳақида гапирди. Сиз раҳбарлик қилаётган инспекция ушбу тушунчани қай даражада таҳлил этади?

— Интерактив давлат хизматлари кўрсатилишида фойдаланувчилар хизмат кўрсатилишининг рад этилишидан, киритилган ахборот сизиб кетиши ёки ўзгартирилишидан, тўлов ҳақидаги маълумотнинг йўқолишидан, коммунал хизмат (газ, электр, иссиқ сув, маиший чиқиндилар ва бошқалар)лар учун ҳисоб-китобдаги хато ва ўзгартиришлардан кафолатланган бўлиши лозим.

Ушбу маълумотларнинг ҳаммаси техник воситалар ёрдамида ноқонуний ўзгаришлар, ахборотнинг йўқ қилинишидан ҳимояланган бўлиши лозим, акс ҳолда бахтли вазиятлар келиб чиқиб, қурилманинг ёки дастурий таъминотнинг техник хатоси туфайли ёхуд қинғир йўлни танлаган кимсаларнинг ҳаракатлари оқибатида ҳисобдан пул ечилиши, янги қардорлик пайдо бўлиши мумкин ва бу аҳолида норозилик пайдо бўлишига олиб келади.

Ҳозирда статистик, солиқ, “банк-мижоз”, интернет-банкнинг ҳисоботларини электрон имзо орқали юритиш ишлаб турибди. Бу хизматларнинг барчаси очиқ интернет-маконда тақдим этилади ва ахборот хавфсизлиги қанчалик таъминлангани, ахборот қанчалик техник соз ва ишончли ҳимоялангани, узатилаётган маълумотларнинг сизиб чиқиш, ушлаб олиш, ўзгартиришдан муҳофазаси қай даража эканлигига қараб бу хизматлар талабгир бўлади.

— Хизматлар сифати бўйича эътирозлар ва мурожаатларни “Ўзкомназорат”га қандай йўллаш мумкин?

— Кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш масаласи инспекция фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. “11-44” ишонч телефони орқали мурожаатларни қабул қилиш хизмати йўлга қўйилган, раҳбар қабулига келиб мурожаат қилиш, электрон почта (Info@gis.uz, gis@exat.uz) орқали интернет хизматлари, мобил алоқа, телефон ва почта алоқаси бўйича мурожаатлар йўллаш мумкин.

Масалан, 2019 йилнинг ҳозирги даврига қадар инспекцияга 8842та мурожаат келиб тушган, 2018 йилнинг ушбу даврида улар сони 7906тани ташкил этганди.

Ижтимоий тармоқларда ишлаганда, турли булутли технологиялардан фойдаланганда шахсий маълумотлар бутлиги масаласи алоҳида туради.

Бир қанча хорижий сервислар борки, фойдаланувчининг ўзи ўз ихтиёри билан ижтимоий тармоқларга улангани тақдим этадиган компанияларга ўзи ҳақидаги контакт маълумотлар — телефони, фамилияси, исми-шарифи, яшаш жойи, банк режиситларини беради. Шунингдек, фойдаланувчилар бундай сервисларда ўз шахсий ахборотлари — турли фотосуратлар, видео, турли ҳужжатлар сканларини жойлашлари ҳам кўп кузатилади, баъзида улар махфий характерга ҳам эга бўлади. Шу тариқа, бу ахборот “сизиб чиқади”, у турли хорижий серверларда сақланади ва бундай маълумотларнинг муайян минтақа учун ҳимояланганлиги ўша компанияларнинг виждони ҳавола бўлади.

Булутли сервислар, машхур ижтимоий тармоқлардаги аккаунтларни бузиш ҳолатлари кўп учрайди, унда яширин ахборот жамоатчиликка ошкор бўлади ва шахсий ҳаётга таъсир қўяди.

10 ОРЗУЛАР, НИЯТЛАР

Мана, яна бир йил ортда қолди. Йиллар ўз елкасида бизнинг бир текисда ўтаётган сермазмун кунларимизни, эзгу ташвиш ва қувончларимизни ортмоқлаб олға интилаваради. Ҳар бир инсон янги йил остоносида ортга бир назар ташлайди.

ҲАР КУНДАН ИНСОННИНГ УМИДИ УЛУҒ

Қандай ишларни қилишга улгурдимۇ қайси юмушларга улгуролмадим, йилдан-йилга равнақ топиб бораётган Ватаним келажаги учун қандай ҳисса қўшдим, дея ўзимизга ўзимиз савол берамиз. Яқинларингизга, таниш-билишларингизга ўтган йилда қандай эсда қоларли воқеалар бўлди, деб савол берсангиз ҳар бирининг ўз эсда қоладиган кунлари борлигини, бу йилдан ҳам умиди катта эканлигини таъкидлайди. Мен ҳам ҳар бир юртдошимни Ватанимиз раванқига, фарзандларининг келажагига озгина бўлса-да ҳисса қўшган деб айта оламан. Оддийгина бир кўчатнинг ерга қадалишидан тортиб, катта-катта биноларнинг бунёд этилиши – буларнинг барча-барчаси Ватанимиз тараққиёти юксалаётганидан дарак беради. Бир хонадонда соғлом гўдакнинг дунёга келиши-чи? Унинг соғлом дунёга келишида, баркамол бўлиб вояга етишида ота-онанинг, тиббиёт ходимларининг ҳам катта ҳиссаси бор. Чунки у Ватанимиз келажаги порлоқ бўлиши учун ҳам соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши керак-да. Бу йил яна кимнинг-

дир фарзанди мактабга, 1-синфга чиқди. Мана яқинда алифбени ҳам ўқиб тугатди – у сабоқ чиқарди. Ўқиш-ёзишни ўрганди. Болақайдан ёки қизалоқдан ота-онанинг, устозининг умиди катта. Чунки у ҳозирданоқ расми яхши чизишни, шахматга ўқуви борлигини намойиш қилди. Ким билсин, келажақда ундан балки таниқли рассом ёки шахматчи чиқар. Яна қайсидир юртдошимизнинг қизи ёки ўғли талаба бўлди. Унинг энди масъулияти икки баробар ошди. Чунки у танлаган касбининг яхши мутахассиси бўлиши учун кўпроқ ўқиб-ўрганиши, ўз устида тинимсиз изланиши лозим. Мана яқинда укангизнинг, опангизнинг ёки қўшнингизнинг фарзанди оила кўрди. Демак, янги, мустақам оила бунёд бўлди. Ахир буларнинг бариси юртимиз учун келтираётган фойдамиз, тинчликка қўшаётган ҳиссамиз эмасми?

Гарчи бизга ўтаётган кунларимиз оддийдек туюлса-да, унинг ортида эртанги куннинг ташвиши, олдимишга қўйган мақсадларимизнинг режалари бор. Сиз бугун ўғлингиз ёки қизингизнинг бирор-

чет тилини ўрганиши учун тажрибали устоз қидиряпсиз. Демак, қизингиз ёки ўғлингиз келажақда албатта бирор чет тилини ўрганиши аниқ, Чунки сиз у ҳақда қайғуряпсиз. Нафақат сиз, балки давлатимиз томонидан ҳам уларга шарт-шароит яратиб берилмоқда.

Ҳар тонг хонадонимиз тўрида ўтирган пиру бадавлат боболаримиз, момоларимиз яхши тилаклар билан бизни ишга, ўқишга, йўлга кузатиб қўйишади. Демак, уларнинг кўнглидаги софлик, эзгулик, яхшилик каби хислатлар бизга, фарзандларимизга юқади. Қўчада, ишхонада биз ҳам одамларга улар каби яхшилик соғинамиз.

Ўтган йили сиз фарзандларингизга китоб совға қилдингиз. Буни ҳам савобли ишлар сарҳисобига ёзиб қўйинг. Ва бу аънанани янги йилда ҳам давом эттиришни дилингизга тугинг. Ёки фарзандларингиз билан ўтган аждодлари-



миз, уларнинг илмий қашфиётлари, бизга қолдирган улкан мероси ҳақидаги филмни томоша қилдингиз. Ва уларга аждодларимиз ҳақида билганингизча гапириб бердингиз. Демак, сиз ўша кундан бош-

лаб фарзандингизнинг аждодлар меросига хурмат билан қарашига катта ҳисса қўшдингиз. Ахир ҳар биримизнинг оддийгина бўлиб туюлган одат – ота-онамиз ҳолидан хабар олиш каби қадриятларимиз ҳам энг катта савоблардан бири эмасми? Сизнинг ўзгаларга бўлган эътиборингизни, меҳр-оқибатингизни кўрган ўғил-қизларингиз, албатта, ватанпарвар, иймон-эътиқодли бўлиб вояга етади.

Янги йилни ана шундай пок ниятлар, эзгу умидлар билан қарши олган, эртанги кунига умид билан яшаётган ҳар бир юртдошимизга, элдошимизга, Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, деймиз.

ЯНГИ ЙИЛ МЎЪЖИЗАЛАРИ

СОВҒА

– Шу сафар Янги йилни биз билан бирга кутинг. Ҳар йили ошна-оғайниларингиздан ортмайсиз. Ахир, Янги йил оилавий байрам. Бола-чақа билан дастурхон атрофида ўтирганга не етсин, – деди Мастура кўчага, улфатларининг олдига кетаётган эрига жавдираб қараб.

– Байрамни ким билан ўтказишни ўзим биламан. Дўстларимга ваъда берганман. Сизлар билан эртага ўтирсам ҳам бўлаверарди. Ана, болалар билан бирга нишонла, қўшниларникига чиқ, Уйда ҳамма нарсани муҳайё қилиб қўйган бўлсам, – деди зарда билан Қобил.

Ҳар доим аҳвол шу. Турмуш қурганларига саккиз йил бўлибдики, Қобил янги йилни оила даврасида болалари билан хуш-хандон кутиб олишни билмайди. “Ҳа, майли, – деди Мастура ўзига ўзи Янги йил олди кайфиятини бузмаслик учун, дастурхон тузашга киришаркан, – борига шукр, нима қилсам болаларимнинг отаси”.

Қобил орқасидан мунғайиб қолган хотинини ўйлаб, илк марта кўнглидан: “Нега ҳўп, деб қўя қолмадим. Байрам куни хафа қилмас бўларди”, деган хаёл ўтди ва машина тўхтатмоқчи бўлганда, қоп орқалаган Қорбобого кўзи тушди.

– Ассалому алайкум, яхшимисиз, байра-



мингиз билан, – салом берди Қорбобо унга яқинлашиб.

– Валлайкум ассалом, – деди Қобил тунд қиёфада. – Аммо менинг совға олишга пулим йўқ.

– Пулингиз керак эмас. Олинг, бу совғалар яқинларингизга. Шу совға билан сизга меҳр-оқибатни, эзгуликни келтирсин, – деди Қорбобо.

Қобил Қорбобо тутқазган совғаларни олиб, бир муддат анграйиб қолди. Раҳмат айтиш учун ортига ўтирилганида Қорбобо ғойиб бўлганди.

У уйига қайтиб қўлидаги совғалар билан кириб борар экан, пешвоз чиққан хотини ва болаларининг юзига табассум югурди.

Болалар совғаларга ҳам қарамай ўзларини дадасининг кучоғига отиши ва “Ур-ре! Дадам Янги йилни биз билан бирга кутар эканлар”, дея уйни бошларига кўтаришиб қий-қиршиди.

МЕҲР

Мирсодиқ бобо байрам дастурхони тузалган уйнинг тўрида ўтираркан, ўғлининг кечик-

каётганидан ташвишда эди. Гарчи олдида қизлари, неваралари бўлса-да, у ўғлига илҳақ. Ўғли Анвар бошқа шахарда яшайди, оилали, узок йўл юриб келишининг ўзи бўлмайди, лекин бир кўнгирак қилиб, оғохлантириб ҳам қўймади. “Тинчликмикан? Балки ҳар доимгидек кутилмаганда кириб келмоқчидир. Қолаверса, келин оғироеқ эди, балки...” Мирсодиқ бобо шу ўйлар билан ҳовлига чиқди. Тун чўкканига қарамай, ҳаммаёқ сутдек ойдин. Кечаси билан ёққан қор кўзни қамаштириб жимирлайди.

Мирсодиқ бобо уйда қий-чув қилиб ўтирган неваралари, қизларининг ёнига қайтди. Телевизордаги қизиқ томошаларга ўзини чалғитишга ҳарчанд уринмасин, барбири, хаёли ўғли Анварда. Бироз ўтириб отахон яна ташқарига

йўналди. Ўғли биринчи марта янги йилга етиб келолмади. Балки онаси тирик бўлганда, қаердан бўлмасин етиб келармиди?

Дадасининг ташқарида хаёлга чўмиб турганини кўрган қизи Муборақ:

– Дада, киринг уйга, акам келса шу пайтгача келарди, энди унияма тушуниш керак, оилали, бунинг устига янгам оғироеқ, – деди ўзини хафа бўлгандек кўрсатиб.

Мирсодиқ бобо ҳамон ўғлининг келишидан умидланиб, ширин ичимлик қуйилган пиёлани қўлига оларкан, эшик очилиб қўлида катта торт билан уст-боши оппоқ қорга бурканган Анвар кириб келди.

– Дада, эртароқ келмоқчидим, келиннинг Азиза яқинда кўзи ёриди, қизлик бўлди. Сизларга Янги йил совғаси – сюрприз бўлсин, деб телефон қилмай келавердим. Хавотирга қўйган бўлсам, ур...

Мирсодиқ бобонинг дили ёришиб кетди. Шу пайт соат миллари 12га занг урди. Ҳар ёқдан: “Янги йилингиз билан!”, деган тилаклар янгради.

Барно СУЛТОНОВА

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЗЎР 5 НАФАР КИБЕРСПОРТЧИСИ

Киберспорт дунё бўйлаб оммалашган, Ўзбекистонда ҳам спортнинг бу янги тури билан шуғулланувчи истеъдоддилар етишиб чиқмоқда. Terabayt.uz мамлакатимизнинг энг машҳур ва омадли 5 нафар киберспортчиси ҳақида маълумот берди. Танишамиз.



Санжар Қулиев (САНЖИ), @xdsanji

Санжар Қулиев — профессионал киберспортчи, фаолиятини 2009 йилда бошлаган. Suman Gaming жамоаси таркибида ўйнаган. Ҳозирда у Қозоғистоннинг AVANGAR жамоаси таркибида ўйнайди. Санжар AVANGAR билан BLAST Pro Series Moscow 2019 чемпиони бўлди, Берлиндаги Counter-Strike: Global Offensive мусобақасида эса иккинчи ўринни эгаллади.



Сервер Керимов (СЕККА), @sekka_k

Сервер Керимов Counter Strike: Global Offensiveда профессионал ўйинчи. 2018 йил июн-октябр ойларида у Қозоғистоннинг Suman Gaming жамоаси таркибида ўйнаган. У Москвадаги Mid.tv Cybercurда иккинчи ўринни эгаллаган.



Жама Абдурашитов (James), @jamesfissure

Жама Абдурашитов — Dota2 профессионал ўйинчиси. Ўзбекистон терма жамоаси ва Россиянинг Imperial Pro Gaming жамоаси таркибида ўйнайди.



Акбар Бўтаев (SoNNeikO), @sonneiko_of_the_laputa

Акбар ёш, ammo тажрибали Dota 2 ўйинчиси, ҳатто уни МДХ ташқарисида ҳам танишади. Power Reunjers, Vega Squadron каби машҳур жамоаларда ўйнаган. Акбар 2016 йилда Украинанинг Natus Vincere жамоаси таркибида 100 минг доллар ютиб олган. Сўнгра, жамоани тарк этган, ammo 2018 йилда жамоага яна қўшилди. Dream League турнирида эса иккинчи ўринни эгаллади.



Салоҳиддин Эсанов

Салоҳиддин — Ўзбекистон терма жамосининг киберспортчиси. 2019 йилнинг мартида Хитойда ўтказилган киберспорт бўйича жаҳон чемпионатида қатнашган. Салоҳиддин Pro Evolution Soccer 2019 турнирида жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритган ягона иштирокчи бўлди. Яқинда Салоҳиддин World Electron Sports Games 2019: Central Asia - Pro Evolution Soccer 2020 мусобақасида ғолиб чиқди.

ДОКТОРЛАР КАСАЛ БЎЛИБ ҚОЛИША НИМА ҚИЛИШАДИ?

MeImagazine нашрига берган интервьюларида терапевт, ревматолог, дерматолог, уролог, психолог, шунингдек, физика ва математика бўйича фан докторлари бетоб бўлиб қолишганида қандай қоралар қўллашларини айтишди.

Терапевт

Ўзим бетоб бўлиб қолсам, беморлар билан мулоқотни чеклайман, қўлларимни тез-тез совунлаб ювиб, ниқоб тақиб юраман. Грипп профилактикаси учун барчага эмланишни тавсия қиламан. Агар касалликни юктиришга улгурган бўлсангиз, дам олинг, суюқликни кўпроқ ичинг. Шахсан менга лимон қўшилган қайноқ сув маъқул.

Йен НЕЛЛИГАН

Ревматолог

Мазам қочса шундай йўл тутаман:
- Кунига олти-саккиз стакан сув ичаман.
- Одатдагидан бир-икки соат эрта уйқуга ётаман.
- Касалликни енгилаштиш учун рецетпсиз бериладиган дориларни қабул қиламан.
- Қўлларимни тез-тез ювам.

Роберт МАКЛИН

Дерматолог

Энг асосийси — профилактика, шунинг учун ҳар йили гриппга қарши укол оламан. Қўндалик тартиб ва жисмоний фаолликка амал қиламан. Шундайям гриппни юктириб олсам, С витамини ва рух қабул қиламан. Айрим тадқиқотларга қўра, булар касаллик ўтишини енгилаштиради.

Энтони РОССИ

Уролог

Касаллик таътилига камдан-кам чиқаман. Кунига еттига операциям бор, ҳатто дам олиш куним ҳам йўқ. Олдий шамоллашни оёқда туриб ўтказаман: дори ичиб, ниқоб тақаман. Агарда грипп бўлиб қолсам, бошқаларга юкмасин деб уйда қоламан.

Жамин БРАМБХАТТ

Психолог

Касал бўлиб қолсам, ўзимга касал бўлишга руҳсат берман. Унча шошилинч бўлмаган ишларни кейинга қолдираман, ишчанлигимни сал сусайтирмаман. Стресс даражасининг пайиши — иммун тизими учун фойдали. Яна организмимга диққат билан қўлоқ тутиб, у нимани талаб қилса, шуни бераман.

Жанетт РЭЙМОНД

Физик

Мен докторман, ammo шифокор эмасман, шунга қарамай, иситма бошланганидан кейин энди бир нима қилиш кечлигини тушунаман. Касаллик симптомларига қарши курашишга уринман, организмим ўзи бир қарорга келишини бирикки ҳафта кутаман.

Алекс КЛОЦ


Математик

Математик тадқиқотларда сизнинг мақсадингиз — муаммони ечимга эга бошқа муаммага таққослаб кўришдир. Агарда сиз касал бўлиб қолдингизми, шунчаки эсланг: охирги марта қандай тузалиб кетгансиз, математик нуқтани назардан сиз соғайишингиз аниқ.

Мэттью ЗАРЕМСКИЙ

12 АЛОҚА ОЛАМИДА

СМАРТФОНЛАР



2019 ЙИЛНИНГ ЭНГ МАШХУР СМАРТФОНИ ҚАЙСИ?

Counterpoint Research таҳлилчилари 2019 йилнинг энг харидордир 10 смартфонини аниқлашди.

Биринчи ўринни, кутилганидек, iPhone эгаллади. Apple компанияси ҳар йили бозордаги рақобатчилариникига нисбатан яхшироқ флагман тақдим этишга қанча тиришмасин, харидорлар ўз диққатини барибир биринчи навбатда арзонроқ таклифга қаратишади.

Маълум бўлишича, йилнинг энг оммабоп мобил қурилмаси бир йил олдин тақдим этилган iPhone XR бўлди. iPhone XR ишлаб чиқарилган кундан (2018 йил сентябр) бошлаб ҳар чоракда етакчиликини сақлаб келмоқда.

2019 йилда чиқарилган iPhone 11 ҳали ҳам оммалашиб улгурмади — топ-10да бешинчи қаторни эгаллай олди, холос.

Иккинчи ва учинчи ўринларда — Samsung Galaxy A10 ва Samsung Galaxy A50.

Яна бир Samsung еттинчи қаторда жойлашди — Galaxy A20. Бу қурилмаларнинг барчаси A сериясига мансуб бўлиб, ўрта бозор сегменти талабларига тўла жавоб беради.

Рейтингнинг қолган ўринларида хитойлик ишлаб чиқарувчилар: тўртинчи, олтинчи ва саккизинчи қаторларни Орронинг A9, A5s ва A5лари эгаллади. Xiaomi Redmi A7 тўққизинчи ўринда, Huawei P30 эса ўнинчи ва рўйхатдаги ягона флагман.

КОМПАНИЯЛАР

ALIBABA БИРИНЧИ БОР ОСИЁДАГИ ЭНГ ҚИММАТ КОМПАНИЯГА АЙЛАНДИ

Хитойнинг Alibaba компанияси 2019 йилда Осийдаги энг қиммат оммавий компанияга айланди. Бу 2014 йилда холдинг биржага чиққанидан буён биринчи марта содир бўлди, деб хабар берди Nikkei.

Alibabанинг капитализацияси бир йил ичида Нью-Йорк биржаларида 60 фоизга ўсган. 26 декабр кунги маълумотларга кўра, компаниянинг қиймати 574-миллиард долларни ташкил этмоқда.

Alibaba ўтган йилги етакчи — Tencent интернет-холдингини ортда қолдирган. 2019 йил якунларига кўра, унинг капитализацияси 459 миллиард долларга тенг (20 фоизга ошган).

Барча оммавий компаниялар орасида Alibaba бозор қиймати бўйича еттинчи ўринда туради. Биринчи ўрин Saudi Aramco нефтни қайта ишлаш компаниясига тегишли бўлиб, унинг капитализацияси 1,8 триллион доллардан ортиқ.



ИЛОВЛАР

2019 ЙИЛНИНГ ЭНГ ФОЙДАЛИ ANDROID-ИЛОВАСИ

“Лайфхакер” нашри 2019 йилнинг энг яхши иловасини аниқлади.

Тахририятнинг фикрича, якунига етаётган йилнинг Android-смартфонлар учун энг яхши дастури — Digitox экан. Phosphorus томонидан тақдим этилган ушбу буткул бепул илова кишининг смартфонга тобеликдан қутулишига ёрдам беради.

Аслида аксарият Android-смартфонларда “Рақамли фаровонлик” (Digital Wellbeing) функцияси мавжуд. У қурилмадан фойдаланишингиз статистикасини юритади, айнан нималарга кўпроқ вақтингизни исроф қилаётганингизни англашга, уларни чеклаш ёрдам беради.

Digitox иловаси эса мана шу функциядан махрум смартфонларга шу фойдали имкониятларни бахш этади. У сизнинг энг кўп қайси дастурларни ишлатаётганингиз, қанча билдиришнома



Digitox

Digitox is designed to improve your digital wellbeing.

олаётганингиз ва смартфонни қанчалик тез-тез ёқаётганингизни кўрсатади.

Мазкур дастурий таъминот бугунги ва кечаги кун учун, шунингдек, ўтган ҳафта учун ҳам статистикани тайёрлаб беради. Шунингдек, смартфонингиздаги исталган илованинг кунлик ишлаш вақтига лимит қўя олади. Нафақат бу, балки умуман смартфондан фойдаланиш

гимиз вақтига ҳам лимит қўйишга қодир!

Мобил қурилмаларга боғланиб қолиш — бугунги кунда тобора кўп учраётган хавфли омиллардан биридир. Олимлар ҳатто унга ном ҳам қўйишган: номофобия — бирор мuddатга смартфонсиз қолишдан кўрқки касаллиги. Digitox эса айнан шунга чалинишнинг олдини олишда тенги йўқ ёрдамчидир.

АМАЛИЙ ТИЗИМЛАР


ANDROID 11 БОРАСИДА ИЛК ВА ЯХШИ ХАБАР!

Android қурилмаларда 4 гигабайтликдан катта ҳажмдаги видеоларни ёзиб олишнинг имконияти биласизми? Аммо кейинги йилдан бу “қоида” ўзгариши мумкин!

XDA-Developers сайтнинг хабар беришича, Android 11дан бошлаб ушбу чеклов йўқ қилинади.

Айни пайтда аксарият смартфонлар 4K форматда сониясига 30 кадр олиш имконига эга. Бу эса ўта катта ҳажмли видеофайл демакдир. 4K (60fps) эса бундан-да катта жой эгаллайди, яқин орада 8K форматдаги видеоларни тасвирга туширувчи смартфонлар пайдо бўлса ҳам ҳайрон қолмаймиз.

Ёзиб олинаётган кадрлар си-



фати ошиб бориши билан, видеонинг ҳар бир дақиқаси ҳажми ҳам шунга мос ўсиб бориши ҳеч кимга сир эмас. Шу сабабли юқори форматда узунроқ видео олинса, 4 GB чеклов ўта ноҳақлик бўлади.

Ҳозирги ҳолатда ёзиб олинган видео ҳажми 4 GBдан ошса, видео ёзув тўхтаб, камера иловаси ўчиб қолмайди, балки видео

бир неча алоҳида файл сифатида сақланади. Масалан, 10 дақиқали 4K (30fps) видео олсангиз, галерея иловасида алоҳида-алоҳида бўлиб сақланган бир неча янги видеолар пайдо бўлади. Бу кўпчиликка ёқмаслиги табиий, албатта.

4 GBлик чеклов 2014 йилда жорий қилинган. У пайтда мобил қурилмалар техник таъминот борасида ҳозиргиларга қараганда анчайин фарқланган; ўша пайтда 4 GB ўта катта сизим эди, аммо ҳозир ундай эмас. Google ҳам бунни тушуниб етган кўринади.

Агар Google олдинги йиллардаги каби шаштини кўрсатса, Android 11нинг илк бета талқини 2020 йилнинг март ойида тақдим қилиниши мумкин.

АВТО

TESLA — ЎН ЙИЛЛИКНИНГ ЭНГ ЯХШИ АВТОМОБИЛСОЗЛИК КОМПАНИЯСИ

Америкалик тадбиркор Элон Маскнинг Tesla компанияси жорий ўн йилликни дунёдаги энг муваффақиятли автомобилсозлик компанияси мақомида якунламоқда. 2010 йилда унга сармоя қилинган ҳар бир доллар 1190 фоиз фойда келтирди, деб хабар берди Bloomberg.

Декабрда компания акциялари рекорд қиймат — 413 долларга етди, умумий қиймати эса 73 млрд. долларни ташкил этди. Teslaдан қимматроқ фақат Toyota (230 млрд. доллар) ва Volkswagen (98 млрд. доллар) туради. Қолган йирик рақобатдошлар, жумладан, General Motors ва Ford аллақачон ортда қолиб кетган.

Сармоячиларни биринчи навбатда компания савдоларининг жадал ўсиши жалб қилади. Бироқ бу ягона сабаб эмас. Tesla аънаввий автомобилсозлик

компанияларидан фарқли ўлароқ экологик соф келажак ва юқори технологиялар билан боғланади. Бу эса ички ёнув двигателли автомобилларнинг янги ривожланиш босқичидан кўра анча истиқболлидир.

Кўринишича, яқин йилларда компаниянинг тушуми ўсишда давом этади. Жорий йилда бу кўрсаткич 14 фоизни, 2020 йилда 21 фоизни ва 2021 йилда 18 фоизни ташкил қилиши кутилмоқда. Бу орада энг йирик автомобилсозлик компанияларининг тушуми ўсиши йиллар бўйича мос равишда 1,4 ва 3 фоизни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда.

Бироқ кўплаб таҳлилчилар ҳамон электромобиллар сановига ишончсизлик билдиришмоқда ва Tesla акцияларини сотиб юборишни тавсия қилишмоқда. Бу эса Amazon оммавий компанияси сифатида биринчи ўн йилда тўқнаш келган вазиятга



ўхшайди. Ушанда кўпчилик компаниянинг муваффақиятига шубҳа билан қараган, ваҳоланки Amazon бугунги кунда дунёнинг бош технология гигантларидан бирига айланди. Эҳтимол, Tesla ҳам шундай тақдир кутаётган бўлиши мумкин.

Credit Suisse таҳлилчиларининг фикрича, Tesla аккумуляторлар ишлаб чиқаришдаги илгор технологиялари ҳисобига барча рақобатчилардан ўзиб кетган. Қолган компаниялар бу борада ечимни топгунча, Маск компанияси олға боришда давом этиши мумкин.

Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади.

124 НАФАРГА 76 КИШИ

Донбассда асирлар алмашиш

Украина ва айирмачилар икки йил ичида илк марта асирларни алмашиб, 2019 йилни тинчлик йўлидаги кичик бўлса-да мунозаралар билан якунлади. 30 декабр куни Киев ҳамда ўзларини мустақил деб эълон қилган Луганск ва Донецк халқ республикалари ўнлаб одамларини бири-бирига қайтарди, улар орасида 2014 йил февралда Майданда одамларни ўққа тутишда айбланган Украина ИИВнинг "Беркут" махсус бўлинмаси жангчилари ҳам бор.

Асирлар алмашиш бўйича келишув уч ҳафта муқаддам Владимир Путин ва Владимир Зеленский ўртасида Германия ва Франция президентлари иштирокидаги учрашувда тузилганди.

Алмашув туманли тонгда Донбасс билан чегарадаги "Майорс" назорат-ўтказув пунктида бошланди ва тушликдан кейин якунланди. Киев 87 кишини топшириб, 55 кишини олиб кетишни режалаштирганди. Якунда кўпроқ асир алмашилди – 124га 76 киши. Ундан ортиқ киши айирмачилар назоратидаги худудга қайтишни истамди. Шунингдек, Киевдагилар рўйхатидаги тўрт киши Донецкда қолишга қарор қилган.

Икки йил олдинги асирлар алмашишувида ҳам тенгсизлик кузатилганди: Киев 233 кишини қайтариб, эвазига 73



кишини олганди. Бундан ташқари, сентябрда Россия ва Украина "35"га "35" форматида асирлар алмашганди.

Келишув иш берди

Алмашув ҳақида 9 декабр куни Париждаги "норманд тўртлиги" шаклидаги учрашувда Россия, Украина, Германия ва Франция раҳбарлари иштирокида келишиб олинганди.

Декабр ойи охирига келиб, украин наشرлари Киев Донецк ва Луганскка 2014 йил Майдан воқеалари вақтида

одамларни ўққа тутишда айбланган Украина Ички ишлар вазирлигининг "Беркут" бўлинмаси ҳарбийларини топширишга розилиги ҳақида хабар тарқатди. Алмашув куни 29 декабр куни маълум бўлди. Санани биринчи бўлиб "Донецк Халқ Республикаси" вакиллари, кейин Зеленский тасдиқлади.

28 декабр куни Киев апелляция суди "Беркут"нинг собиқ жангчилари Павел Аброскин, Сергей Зинченко ва Олег Янишевскийни жазони ижро этиш муассасасидан чиқариш ҳақида ҳукм

чиқарди. Суд мажлисида прокурор Сергей Куций улар алмашув рўйхатида эканини тасдиқлади. Яна икки собиқ ходим аввалроқ уй қамоқхонасига ўтказилганди. Шу тариқа, суд жами беш кишини озод қилди.

Адвокат Валентин Рибин аввалроқ Янишевский, Аброскин ва Зинченко бир неча йилдан буён алмаштириш учун асосий даъвогарлар бўлиб келётганини билдирганди.

Киев судининг уларни озод қилиш ҳақидаги қароридан кейин қамоқхона атрофида фаоллар тўпланишиди. Уриндиқлар ва чиқинди идишларидан баррикадалар ўрнатиб, уларнинг олиб кетилишига тўсқинлик қилишга уринишди.

Эслатиб ўтамиз, Украина шарқидagi қуролли низо 2014 йили ғарбпарастларнинг Киевдаги норозилик намойишлари ва Крым Россия томонидан эгаллаб олинишидан кейин бошланганди.


Киев ва Ғарб давлатлари Москвани Донбассдаги айирмачиларни сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда айблайди. Кремл бу ишга аралашганини тан олмайди. Шу билан биргаликда, бу давлат "ДХР" ва "ЛХР"да яшовчиларга Россия паспортларини тарқатади ҳамда Украина ҳукуматининг айирмачилар билан музокараларида воситачилик қилиб келади.

Ироқда нефт қазиб олиш тўхтатилди

Ироқ нефт вазирлиги норозилик намойишлари туфайли мамлакат жанубида илк бор нефт қазиб олиш тўхтатилганини маълум қилди.

Вазирлик матбуот котиби Осим Жиходнинг айтишича, бир гуруҳ намойишчилар Носирия шаҳридаги нефт кони яқинида акция ўтказган. Шунинг учун нефт қазиб олиш вақтинча тўхтатиб қўйилган. Бу ерда кунига ўртача 80 минг баррель нефт олинади.

Ироқда норозилик намойишлари 1 октябрдан бери давом этиб келмоқда. Ишсизлик ва коррупцияга қарши бошланган намойишлар чоғида 460 киши ҳалок бўлди, 19 минг киши яраланди. Мамлакат бош вазири Одил Абдулмахдий 29 ноябр куни истеъфо беришга мажбур бўлди. Утган ҳафтада эса президент Барҳом Солиҳ ҳам истеъфо ҳақидаги аризасини парламентга тақдим этди.



Исроил: Ҳаммасини бермаймиз!

Исроил ҳукумати Фаластин учун тўпланган солиқлардан 150 миллион шекел (қарийб 43 миллион АҚШ доллари) ушлаб қолишга қарор қилди.

Маълум бўлишича, Фаластин раҳбарияти 2018 йилда ҳибсга олинган ва ҳалок бўлган фаластинликлар оилаларига айнан 150 миллион шекел ажратган. Яъни, Фаластин раҳбариятининг бу ҳаракати Исроил ҳукуматининг жазосига сабаб бўлди.

Аввал ҳам Исроил ҳукумати Фаластин учун тўпланган солиқлардан 500 миллион шекел (144 миллион доллар) ушлаб қолишга қарор қилган эди. Фаластин эса маблағлар тўлиқ ажратилиши кераклигини, акс ҳолда қабул қилмаслигини билдирди. Бироқ иқтисодий вазият оғирлашиб кетгани туфайли кейинроқ ушлаб қолинган маблағдан қолган қисмини қабул қилишга тўғри келди.



Хитойда панда ўлдирган бир умрга қамалиши мумкин

Хитойда пандани ўлдирган ўн киши қамоққа олинди. Декабр ойида ўтказилган рейд давомида ҳайвоннинг териси ва унинг 9,75 кг. гўшти топилган. Полициянинг хабарига кўра, панда Жаотонг шаҳрида яшовчи ака-ука томонидан отиб ўлдирилган. Қамоққа олинганлар ичида икки овчи ва панда гўштини сотиб олган одам ҳам бор.

Хитойда пандани ўлдирган одамга 10 йил қамоқ жазоси, қийнаш ҳолатлари аниқланса, бир умрлик қамоқ ёки ўлим жазоси берилади.

Пандалар Халқаро Қизил китобга киритилган бўлиб, 2016 йилги маълумотларга кўра, дунёда ёввойи табиатда яшовчи 2060та панда қолган. Уларнинг барчаси Хитойда яшайди. 1972 йилдан буён Хитой панда-дипломатия ҳаракатини амалга оширади. Унга кўра, ҳайвонлар дўстона мамлакатларга ижарага бериб турилади.



Ҳинд ҳукумати интернетни блоклаб қўйди


Ҳиндистоннинг аҳоли сони бўйича энг йирик штати – Уттар-Прадешдаги оммавий норозиликлар фондида мамлакатнинг асосий штатларида интернет блокланди, деб ёзмоқда Financial Times. Оммавий норозилик акциялари мамлакат парламенти фуқаролик тўғрисидаги қонунга ўзгаришлар киритиш тўғрисида қонун қабул қилгач, 11 декабрдан бошланди.

Ўзгаришлар 2015 йил 1 январга қадар диний қарашлар туфайли кўчишга мажбур бўлган Афғонистон, Покистон ва Бангладеш фуқароларига Ҳиндистон фуқароси бўлиш ҳуқуқини беради. Гап аҳолисининг аксарияти мусулмон бўлган давлатларда яшовчи хиндуийлик, сикхизм, жайнизм, буддизм ҳамда христианликка эътиқод қилувчи аҳоли ҳақида кетмоқда. Соддалаштирилган тарзда фуқаролик бериш мусулмонлар ҳамда Жанубий Осиёдаги бошқа мамлакатлар, жумладан, Непал, Шри-Ланка фуқароларига татбиқ қилинмайди.

Ҳиндистоннинг мусулмон аҳолиси бу ўзгаришни "Ҳар ким диний эътиқодидан қатъи назар қонун олдига тенгдир" деб ёзилган Конституцияга зид деб ҳисоблашмоқда.

Ҳиндистон аҳолиси таркибида ҳам мусулмонлар улуши салмоқли. Норозиликлар, асосан, интернет ёрдамида ташкиллаштирилмоқда. "Интернет орқали намойишлар ташкиллаштиришга урингани учун" биригина Уттар-Прадеш штатининг ўзидан 120дан ортиқ инсон ҳибсга олинган.

У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади



Элиас КАНЕТТИ
(1905–1994)

Австриялик таниқли ёзувчи ва драматург, Нобел мукофоти соҳиби. “Жаҳолат” (1935), “Омма ва ҳокимият” (1960) номли асарлари ҳамда “Туй” (1932), “Манманлик комедияси” (1934), “Муддати чекланганлар” (1952) сингари драмалари билан шухрат қозонган.

Саккиз нафар кўзи ожизлар гуруҳидан узоқлашиб, уларнинг дийдиёлари ҳамон кулогимда, бир озгина юрган эдим, оёқларини хиёл кериб турган оппоқ сочли ёлғиз кексага кўзим тушди: боши сал эгик, оғзида бир нимани чайнар, унинг ҳам кўзи ожиз, эгнидаги жулдур кийимга қараганда, шубҳасиз, тиланчи эди. Бироқ унинг икки юзи қип-қизил ва тўлишган, йўғон лаблари соғлом ва намчил, лабларини очмасдан, гўё аллақандай қоидага риоя қилгандай, секин ва бир маромда, астойдил чайнар, юз ифодасида эса шодонлик зоҳир эди. Унга яқин бориб, сарасоф солдим, шунда бир нима эсимга тушди, чайнашдан зўр лаззат олса керак, деган хаёлга бордим. Унинг апелсинлар уюм-уюм қилиб қўйилган қатор дўконлар олдида турганини кўриб, ўзимча савдогарлардан биронтаси унга апелсин берган-у, у шуни қавшанаётган бўлса ажабмас, деб ўйладим. Қариянинг ўнг қўли гавдасидан сал нари осилиб турар, ундаги барча бармоқларнинг ораси очик, афтидан, улар акашак бўлган-у шу сабаб уларни бука олмаётгандек таассурот қолдирарди.

Яна бир таажжубланарли жойи шу эдики, мўйсафиднинг теварак-атрофидаги майдон кенг ва очик бўлиб, гўё уни бир умрга яқка-ёлғиз ташлаб кетишгандай ва бу унга маъқул келиб, бундан-да бошқа тилак-истаги йўқдек эди. Унинг чайнашига астойдил разм соларканман, қани, кўрайлик-чи, нима бўларкин, дея қутишга тушдим. У узоқ чайналди, бунақанги чин дилдан, самимий ва чиройли чайнайдиган одамни, гапнинг очиги, умрим бино бўлиб кўрмаган эдим. Ҳеч вақо бўлмаса-да, оғзим бир нимани чайнаш учун ўз-ўзидан аста ҳаракатга келаётганини ҳис қила бошладим. Ҳали ҳеч қайси бир инсоннинг оғзи шунчалик лаззатга эриша олишини кўрмаганимданми, унга нисбатан қалбимда чуқур ҳурмат-эҳтиром тўйдим. Кўзи ожизлигига ҳам ортиқ раҳиман келмай қўйди, у кўринишдан хотиржам ва мамнун эди. Бошқа тиланчиларга ўхшаб, сўраб, тиланиб, талаб қилиб ўтирмас, парвойини бузай демасди. Эҳтимол, нимаики зарур бўлса, ҳаммаси муҳайёдир, балки унга энди ортиқ ҳеч нарса керакмасдир, ким билади.

Шу зайлда чайнашни бас қилгач, лабларини бир неча бор ялаб, бармоқлари керик ўнг қўлини бир озгина олдинга чўзди-да, хириллаган, бўғиқ овозда дуо ўқийшга тутинди. Мен унга янаям яқинроқ бориб, қимтинибгина қўлига йигирма франк танга пул қўйдим. Бармоқлар қандай бўлса, шундайлигича қолди; уларни чинданам бука олмасди. У қўлини аста кўтариб, оғзига яқин олиб борди, танга йўғон, дўрдоқ лаблар олдида бир кўришиш берди-да, сўнг кўздан йўқолди. Чол яна аста чайнаlishга тушди. Оғзидаги тангани дам чап, дам ўнг лунжиги оларкан, унинг ҳаракатларини кўз узмай қузатардим, у эса бамайлихотир чайнашда давом этарди.

Туриб-туриб, таажжубим ошиб, шубҳага берилдим. Мабодо, адашмаётганмикимман, сўрадим ўз-ўзимдан. Эҳтимол, сезмай қолгандирман, танга балки бошқа ёққа тушиб кетгандир. Яна қутишда давом этдим. Худди боғидай мазза қилиб чайнаб бўлгач, танга ниҳоят унинг лаблари орасида пайдо бўлди. Чап қўлини кўтариб, тангани туфлади, унга қўшилиб кўплаб сўлақай ҳам оқиб чиқди. Сўнгра танга чап тарафдаги чўнтакка тушиб, кўздан ғойиб бўлди.

Бу ғалати, ғайриоддий ҳодисани кўриб туриб, кўнглим айниб, қайт қилгим келди.



(Ҳикоя)

МАРАБУ

Дунёда пулдан ҳам кўра ифлосроқ нарса борми, ахир? Аммо бу қария мен эмасдим, каминанинг кўнглини айнитган нарса унга... завқ бағишларди. Дарвоқе, пулга сажда қилиб, уни ўпган одамларни орасира бўлса-да, кўрмаганимдир? Албатта, кўрганман. Айни чоқда кўплаб сўлақай ўзгача бир мақсадга хизмат қилиши аниқ. Бу қария бошқа тиланчилардан биргина жиҳати, яъни мўл-кўл сўлак “ишлаб чиқара” олиши билан ажралиб туриши эса кундай равшан. Садақа сўрашдан аввал: бирон нима ейишдан олдин у ҳар доим ана шундай тарзда узоқ машқ қилгучи эди, – бошқа ҳеч ким бундай қилиб ўтирмас эди. Демак, унинг даҳанидаги сазъ-ҳаракатларида қандайдир сир, алланечук маъно бор эди, чамамда.

Ёки у фақат менинг танганингина оғзига солдимикин? Садақа тарзида оладиган одатдаги тангалардан кўра қийматлироқ эканини кафтида ҳис қилгач, менга алоҳида миннатдорлик билдирмоқчи бўлдимикин ё? Қарияга ҳам ҳайрон, ҳам қойил қолиб, ундан бошқа ҳеч бир кимса кўзимга кўринмасди. Хуллас, азбаройи қизиққанымдан охири не бўларкин, дея қутишга қарор қилдим. Чол дуо оятларини бир неча бор такрорлади. Бу орада бир араб ҳам келиб, унга беш франклик танга бериб кетди. Зум ўтмай, уни ҳам оғзига солиб, аввалгидек чайнала бошлади. Афтидан, бу гал унчалик узоқ давом этмади, танга билан яна кўп сўлак ажралиб чиқди. Уни чўнтагига жойларкан, ундан бошқа, бутунлай майда тангаларни олиб, яна боғия “фаолият”ини давом эттирди. Менинг эса ҳеч нарсага ақлим етмай, бошим қотиб қолганди: қанчалик узоқ тикилганим сайин, жумбоқ шунчалик чуқурлашиб борарди. Бироқ бир нарсага, яъни бу унинг “ўзига хос” садақа сўраш услуби эканига ортиқ шубҳа қилиб бўлмасди. Одамлар бир нима бераркан, унинг оғзини ҳам пойлашарди, ҳар гал очганида эса оғзи менга тобора қизариб кўринарди.

Аввалига пайкамабман, оломон каминани ҳам кузатаётган экан. Ким билади, оғзим ланг очилиб, анқайиб, кулгили бир ҳолатга тушиб қолибман, шекилли. Негаки, апелсин ортидан бир одам тўппа-тўғри олдимга келиб, хотиржам оҳангда:

– Бу марабу, – деди, мени тинчлантирган бўлиб.

Биламан, марабулар авлиёсифат

Элиас КАНЕТТИ

одамлар бўлишди, улар ўзига хос куч-қудратга эга. Ушбу сўзни эшитиб, бир оз хижолат бўлдим, ичимдаги ижирганиш ҳам бирданига камайди-қолди.

– Ундай бўлса, нега у тангани оғзига солади? – сўрадим мен тортинчоқлик билан.

– У доим шундай қилади, – жавоб берди ҳалиги киши буткул бепарво оҳангда, унингча, бу дунёдаги энг оддий иш эди. У шундай деб, яна апелсинлар томонга ўтиб кетди, шундагина ҳар бир дўконча ортида бир неча жуфт кўзлар менга ҳайрон бўлиб термилиб туришганини сезиб қолдим. Шунчалик ҳам галча бўламанми-я, – дедим ўзимни ўзим қойиб.

Шу билан ўзимча хайр-маъзур қилган бўлдим. Марабу – художўй, тақводор, ундаги ҳамма нарса, ҳатто тупуги ҳам табаррук бўлади, – дедим тўпуга ўзим. Хайр-садақа қилувчилар билан тупуги орқали алоқа ўрнатар экан, уларни шундай бир яхшилаб дуо қиладики, натижада улар Яратганининг марҳаматига сазовор бўладилар. Жаннатнинг мавжуд эканига ишончи комил, ҳатто ўзида ҳам одамларга улашиш учун бир нималар бор ва бу нарсалар уларнинг тангаларидан ҳам кўра қимматлироқ эди. Ҳа, мана энди англадим унинг ожиз қиёфасидаги шодонлик сабабини, у мен шу пайтгача кўрган бошқа барча тиланчилардан айнан мана шу туйғуси билан ажралиб турарди.

Уни ёдимга жо қилиб, йўлимга давом этдим ва у ҳақда барча дўстларимга сўзлаб бердим. Таассуфки, уни шу пайтга қадар ҳеч ким кўрмаган экан, шу боис бўлса керак, улар сўзларининг ҳаққонийлигига шубҳа қила бошлашди. Эртаси кунни уни ўша жойдан излаб топа олмадим. Мен уни ҳамма жойда ва ҳар кунни қидириб кўрдим, бироқ ундан номнишон йўқ эди. Балки у тоғ-тошда ёлғиз ўзи яшар ва шаҳарга онда-сонда келар, ўйладим ўзимча. Апелсин сотувчилардан сўрашга эса иймандим, чунки уларга бунинг қизиги йўқ эди. Дўстларимга қария ҳақида сира ҳам тортинмай сўйларканман, бунини уни яхши билган ва таниган кишилардан сир тутардим. У ҳам мен ҳақимда деярли ҳеч нима билмасди, яна тагин ким билади, балки одамлар унга камини тўғрисида гапириб беришгандир, балки.

Орадан бир ҳафта ўтгач, ўша кунни яна шанба оқшоми эди, кутилмаганда уни учратиб қолдим. У бу гал ҳам худди ўша дўкон олдида турар, бироқ чайналмасди – оғзида ҳеч вақо йўқ эди, чамамда. Чол дуо ўқиб бўлгач, унга танга бериб, нима бўларкин, дея кута бошладим. Сал ўтмай яна тиришқоқлик билан чайнаlishга тушди. Шу пайт бир киши бехосдан олдимга келиб, менимча, бўлмағур гапларни гапирди.

– Бу – марабу. Унинг кўзи ожиз. Қанча берганингизни билиш учун тангани оғзига солиб кўради, – деди у.

Сўнг марабуга арабчалоб алланамалар деди-да, мен томонга ишора қилди. Мўйсафид чайнашни тугаллаб, оғзидан тангани олди. У мен томонга ўтирилганди, ногоҳ унинг чехраси, бутун сиймоси яйраб-яшнаб кетди. Мени дуо қила бошлади ва тиловатни олти марта такрорлади. Оятларни ўқиётган чоғда унинг сиймосидаги самимийлик ва меҳр вужуд-вужудимга шундай чуқур сингдики, гапнинг рости, мен ҳали ҳеч қачон бундаин марҳаматга мушарраф бўлмаган эдим.

Немис тилидан
Мирзаали АКБАРОВ таржимаси

ҲАР БИР ХОДИМ ЭЪТИБОРИМИЗДА

Кейинги йилларда юртимизда инсон омилига эътибор ҳар қачонгидан ортди. Бу борада касаба уюшмаси кўмиталарининг ҳиссалари катта бўляпти. Касабақўм аъзолари иш берувчи билан ҳамкорликда, ҳамфирклиқда ҳаракат қилиб, ходимлар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун шароит яратиш, саломатликларини мустаҳкамлаш каби муҳим вазифалар ижросини таъминлашяпти. “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси касаба уюшмаси кўмитаси раиси Бахтиёр Жўраев ўтган бир йил давомида амалга оширилган ишлар ҳамда янги вазифалар ҳақида сўзлаб берди.



— Инсон, қаерда ишлашдан қатъи назар, билганларини ишлаб чиқаришга тўлиқ жорий этиш имконига эга бўлмоғи лозим. Бунга етарли шароитларни яратиб беришда касаба уюшмаси кўмитасининг ўрни алоҳида аҳамият касб этмоғи керак, албатта. Кўмитамиз аъзолари буни юракдан ҳис қилган ҳолда иш олиб боришаётир. Иш берувчилар билан яхши ҳамкорлик йўлга қўйилгани тўғрисида компаниямиз тизимидаги корхона ва ташкилотларда ходимлар манфаатини муҳофаза қилиш борасида ўтган йили анчагина ишлар олиб борилди. Жумладан, байрамлар муносабати билан ўтказиладиган тадбирларнинг шуқуҳли, қизиқарли ўтишига катта аҳамият берилди. Масалан, 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ижроия аппарати, “Телекоммуникация ва персонални ривожлантириш маркази”, “Харидларни бошқариш маркази”, “Ахборот тизимлари”, “Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази” филиалларида фаолият юритаётган 524 нафар мутахассис аёл қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Наврўз умумхалқ байрами кунларида эса “Ўзбектелеком” АК ҳамда унинг тизимидаги барча филиалларда ходимлар ҳамда фахрийларга байрам дастурхонлари ёзилиб, Алишер Навоий номидаги кино саройида бўлиб ўтган “Наврўз навалари” концерт дастурига 366 нафар ходим чипталар билан таъминланди. Шунингдек, компаниямизда самарали фаолият кўрсатиб, айни пайтда пенсиядаги 41 нафар фахрийга совғалар улашилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 28 йиллиги ҳам барча филиалларда катта тантана билан байрам қилинди.

Филиалларимизда ходимлар ўртасида спорт мусобақалари ўтказишга катта эъти-

бор қаратилади. Мини-футбол бўйича пойтахт алоқа корхоналари ўртасида “Ўтиш” турнири ўтказилиб, унда “Ўзбектелеком” АК ижроия аппарати футбол жамоаси 3-ўринни эгаллагани, 18-27 октябр кунлари Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ташаббуси билан вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, йирик корхона ва ташкилотларнинг ходимлари ўртасида “Бош вазир кубоги” учун ўтказилган футбол ва волейбол мусобақаларидаги фаол иштирокимиз ҳамда беллашувда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва “Ўзбектелеком” АК жамоалари ярим финалга чиқиш имконини қўлга киритгани фикрим далилидир.

26 октябр куни “Миллий” стадионда “Ўзбектелеком” АК жамоаси финалда Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси билан куч синашиб, иккинчи ўринни эгаллади. Жорий йилнинг 25 октябрида компания ижроия аппарати, “Телекоммуникация ва персонални ривожлантириш маркази”, “Ахборот тизимлари”, “Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази”, “Харидларни бошқариш маркази” филиаллари ёш ходимлари ўртасида стол тенниси бўйича саралаш мусобақалари ўтказилди. Мазкур мусобақа Шайхонтохур туманида жойлашган “Sport Best” спорт залида бўлиб ўтди ва голиблар рағбатлантирилди.

Жорий йилнинг 27-30-ноябр кунлари “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси ижроия аппарати, “Сотув ва хизмат кўрсатиш маркази”, “Харидларни бошқариш маркази”, “Телекоммуникация ва персонални ривожлантириш маркази”, “Ахборот тизимлари” филиалларининг юз нафардан ортиқ алоқачилари ўртасида стол тенниси, шашка, шахмат ва мини-футбол спорт турлари бўйича спартакиа-

да ўтказилиб, голибларга мукофотлар берилди.

Мамлакатимизда спортнинг хоккей турини оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон хоккей федерацияси билан келишилган ҳолда компаниянинг 550 нафар ходими ва уларнинг оила аъзоларига бепул чипталар олиб берилди.

Россия Федерациясининг Москва шаҳрида ўтказилган хайрия мини-футбол ва волейбол турнирларида “Ўзбектелеком” АК ходимларидан иборат волейбол ва футбол жамоалари ҳам иштирок этиб, волейболчиларимиз фахрли 1-ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди. Мини-футбол жамоамиз эса 4-ўрин соҳиби бўлишди.

Буларнинг ҳаммаси компания ходимлари ўртасида соғлом турмуш тарзини таркиб топтириш, уларнинг спорт мусобақаларида фаол иштирокини таъминлаш борасидаги ҳаракатларимиз самарасидир.

Биз, шунингдек, маънавий-маърифий тадбирларини қизиқарли ўтказишга ҳаракат қиляпмиз. Ўзбекистон алоқа тарихи музейида “Давлат тили тўғрисида”ги Қонун қабул қилинганга 30 йил тўлиши муносабати билан “Боқийсан, ифтихоримсан, она тилим” мавзусидаги маънавий-маърифий тадбир, октябр ҳамда ноябр ойларида “Истиқлол” санъат саройида бўлиб ўтган “Юлдузли оқшом” ҳамда Ботир Қодиров концертига ва “Туркистон” санъат саройида бўлиб ўтган “Хитрең по найму” сахналаштирилган концерт дастурларига жами 760 нафар ходим чипталар билан таъминлангани, ўтган йилнинг 3 декабри куни Ўзбекистон ногиронлар жамяти томонидан ташкиллаштирилиб, “Истиқлол” санъат саройида ўтказилган хайрия концертида 30 нафар ходимнинг иштироки, октябр ойида Ўзбек миллий академик драма театри ҳамда Рус акаде-

мик драма театрларига чипталар харид қилиниб, 350 нафар ходимга тарқатилгани ана шу йўлдаги ишларимиздандир. Шунингдек, ўтган йилнинг 6 декабрида Алоқа тарихи музейида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 27 йиллигига бағишлаб ўтказилган семинар ҳам қизиқарли ва савол-жавобларга бой бўлди.

Болалар бизнинг келажакимиз, эртанги кунимиз эгалари. Шунинг учун ҳам биз ходимларимиз фарзандлари соғлом ва ҳар томонлама баркамол ўсишлари учун барча имкониятларни ишга соляпмиз. Жумладан, 1-июн — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига атаб филиалларда компания ходимларининг фарзандлари учун махсус тадбирлар ташкил этиш бизда анъанага айланган.

Ўтган йили ҳам филиалларимизда аниматорли театрлаштирилган байрамона томошалар, викторина ва танловлар ташкил этилди. Болаларга китоблар, мюзикл томошаларига чипталар, танловда иштирок этганлар учун соврин ва совғалар тақдим этилди. Компания тасарруфидаги Қашқадарё, Бухоро ҳамда Тошкент вилоятларида жойлашган “Алоқачи” болалар ёзги оромгоҳлари ўтган йили 5 навбатда фаолият кўрсатди ва Тошкент вилоятидаги “Алоқачи” болалар дам олиш масканида 1600 нафарга яқин, Бухоро вилоятида 560 нафар ҳамда Қашқадарё вилоятида 440 нафар бола соғломлаштирилди.

Ёз ойлари давомида ходимларнинг ишдан ташқари бўш вақтларини мароқли ўтказиш мақсадида “Сумча” ҳамда “Оқтош” дам олиш масканларига йўлланмалар берилиб, жами 405 нафар ходим дам олдирилди.

“Ўзбекистон” дам олиш-соғломлаштириш акциядорлик жамяти билан Россия Федерациясидаги Ялта ва Кисловодск шаҳарларида жойлашган “Ўзбекистон” санаторияларида ходимларни соғломлаштириш юзасидан шартномалар тузилган бўлиб, жами 6 нафар ходим ва оила аъзолари учун 50 фоизли чегирма асосида йўлланмалар берилди.

Янги 2020 йилни муносиб кутиб олиш мақсадида филиалларимизда ишлаб келётган ходимларнинг мингдан зиёд фарзандларига совғалар ҳамда янги йил томошаларига чипталар тарқатилди.

Йил якунида ишларни сарҳисоб қилиш доимий одатимиз. Ўтган йили ҳам фаол меҳнат қилган ва компания ривожига ўз ҳиссасини қўшган 45 нафар ходим тақдирланди ва уларга қимматбаҳо совғалар улашилди.

Айни кунларда иш берувчи билан жорий йилда амалга ошириладиган ишларни режалаштириямиз. Унда ходимларимизнинг яйраб меҳнат қилишлари, саломатликларини мустаҳкамлашлари, уларни соғломлаштириш, спорт мусобақаларини янада кўтаринки руҳда ўтказиш, нафақат ўзлари, балки оила аъзолари ва фарзандлари учун ҳам қайғуриш масалалари асосий вазифа қилиб белгилянпти.

Муборак МИРКАМолова
ёзиб олди

ЭЪЛОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 7 декабрдаги 381-ф-сонли фармойишига асосан “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳисоб рақамига 2019 йил 28 декабрда АЖ “АЛСКОМ” СК томонидан 20 000,0 минг сўм, вазирлигининг 2019 йил 24 декабрдаги 466-ф-сонли фармойишига асосан 2019 йил 26 декабрда “ALOQALOYIHA” DUK томонидан 10 000,0 минг сўм, 30 декабрда “IT-PARK” МЧЖ томонидан 25 000,0 минг сўм ҳомийлик пули келиб тушди. Ҳомийлик пуллари “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ҳамда Алоқа тарихи музейининг 2019-2020 йиллар учун тасдиқланган смета харажатларига йўналтирилади.

Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Ташселмаш даҳаси, 6-уй, 21-хонадон учун Жалалиддин Хамидов номига берилган кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

ТАҚВИМ



2020

Yanvar	Fevral	Mart	Aprel
Du Se Ch Pa Ju Sh Ya 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31	Du Se Ch Pa Ju Sh Ya 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29	Du Se Ch Pa Ju Sh Ya 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31	Du Se Ch Pa Ju Sh Ya 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30
May	Iyun	Iyul	Avqust
Du Se Ch Pa Ju Sh Ya 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31	Du Se Ch Pa Ju Sh Ya 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30	Du Se Ch Pa Ju Sh Ya 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31	Du Se Ch Pa Ju Sh Ya 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31
Sentabr	Oktabr	Noyabr	Dekabr
Du Se Ch Pa Ju Sh Ya 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30	Du Se Ch Pa Ju Sh Ya 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31	Du Se Ch Pa Ju Sh Ya 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30	Du Se Ch Pa Ju Sh Ya 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15 16 17 18 19 20 21 22 23 24 25 26 27 28 29 30 31



Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РЯВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ,
Коммуна ИРИСБЕКОВА, Тўлқин ТЕШАБОЕВ,
Лутфилло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган кўлэзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.
Баҳоси келишилган нархда.

МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри,
Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй
(мўлжал: Олой бозори).
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31,
факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Буна индекси — 228.

Газета таҳририят компьютер
базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Навбатчи: Муборак МИРКАМОЛОВА.



Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

Газета
ҳафтанинг
жума куни
чиқади

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-157 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 4380 нусха.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 23.00.
Босишга топширилиш вақти — 24.00.

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда	Бухорода	Жиззахда	Наманганда	Навоийда	Нукусда	Самарқандда	Термизда	Тошкентда	Урганчда	Фарғонада	Қаршида
226-47-80	(99)854-7305	(94) 199-95-64	(91) 353-71-25	225-91-10	554-35-45	(91)557-84-44	(91)235-88-68	234-18-59	(97) 211-65-05	244-18-05	(93)931-08-99